

села

Жуэн О: "Профессорнинг иши фақат дарс бериш эмас" 7-бет ▶

39
(1357)-son
28-sentabr
2018

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

Xabar

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Яхши кўшничлик,
очиқлик, бағрикенглик
тантанаси **2-бет**

DIGITAL UZBEKISTAN:

Экспертларнинг ноёб
платформаси **3-бет**

ICTWEEK 2018

Жиззахда учта мактабга
компютер синфлари
совға қилинди **5-бет**

ВСТРЕЧА

с вице-министром
информации и
коммуникаций
Казахстана **6-бет**

ҒАЛАБАГА УНДОВЧИ КИТОБ

Муваффақиятсизлик —
тажриба учун имконият
8-бет

ЎҚИ

Уқитувчилар қуни:
қаерда, қачон? **11-бет**

АҚШ — ХИТОЙ:

Савдо уруши авж
олмоқда. Ким ғолиб
бўлади? **13-бет**

SPEEDTEST GLOBAL INDEX, август

Норвегия мобил интернет
тезлиги энг юқори
мамлакат

63,13 Мбит/с.

Сингапур симли интернет
тезлиги бўйича етакчи
мамлакат

189,38 Мбит/с.

Ўзбекистон мобил
интернет тезлиги бўйича
93-ўринни (9,63 Мбит/с.),
симли интернет тезлиги
бўйича 116-ўринни (7,98
Мбит/с.) банд этди.



ISTEXPO 2018: ТАЛАБ, ТАКЛИФ, ТАШАББУС

Мамлакатимизда ICTWEEK ҳафталиги доирасида Тошкент ва Жиззах шаҳарларида
ISTEXPO 2018 кўргазмалари бўлиб ўтди.

Тошкентдаги
ISTEXPO 2018
кўргазмаси
Тошкентда 26 сентябр
куни ISTEXPO 2018 кўргаз-

маси иш бошлади. "Ўзэкспо-
марказ" МКК 1-павилиони-
да ташиқлаштирилган ушбу
йирик тадбирнинг дастлабки
икки куни (26-27 сентябр)
B2B форматда, учинчи куни

(28 сентябр) B2C форматда
ўтказилди.

Ҳар йилгидек, бу йил ҳам
ISTEXPOда ахборот техноло-
гиялари ва коммуникацияла-
ри соҳасидаги ютуқлар кенг

намоиш қилинди. Кўргазма
экспертлар ҳамжамияти про-
фессионал майдончасини
шакллантириш, миллий бозор
субъектлари рақобатбардошли-
гини оширишга хизмат қилди.

4-5-бетлар ▶

ХАВҒСИЗЛИК

КИБЕРМАКОН:

"ОҚЛАР" ВА "ҚОРАЛАР" ЖАНГИ

Ахборот-коммуникация
технологиялари шиддат билан
ривожланиши асносида дунё
бўйлаб кибержиноятлар сон
ҳам тез суръатларда ўсиб бор-
моқда. Кибержиноятчиларнинг
хатти-ҳаракати туфайли жаҳон
иқтисодиёти йилига бир неча
триллион доллар йўқотади,
бошқа барча ноқонуний ҳара-
катларнинг зарари эса милли-
ардларни ташкил этади. Мута-
хассислар бугунги кунда ҳар
бир смартфон эгаси, жумладан,
болалар ҳам хакерлар ҳужуми
қурбони бўлиши мумкинлиги-
ни таъкидлашапти.

Сўнгги пайтларда глобал
миқёсдаги кибержиноятчиликни
курол-яроғ ёки гиёҳванд модда-
ларнинг ноқонуний айланиши-
га таққослаш ҳоллари тез-тез
учрамоқда. Статистика эса анча
қўрқинчли. Масалан, 2015 йил-
ги статистикага кўра, наркотик

моддалар ноқонуний савдоси
миллиардлаб долларни ташкил
этан. Кибержиноятчиликнинг
пулдаги эквиваленти эса уч
триллион доллар! "Мен кибер-
жиноятчиларни қизиқтирмай-
ман. Нега улар ҳақида қайғури-
шим керак?" Бугун аксарият
одамлар шундай фикрлайди ва
бизнинг камчилигимиз ҳам ай-
нан шунда. Аммо ҳақиқат шун-
да-ки, ҳар қандай рақамли
қурилма ёки пластик карта бор
экан, биз аллақачон хавф ости-
дамыз, чунки кибержиноятчилар
шу икки восита орқали бизга
зарар етказишлари мумкин. Улар
сизнинг пулингизни ўғирлашля-
ри, маълумотларингизни ўзлаш-
тиришлари, агар қурилмангиз-
да махфий маълумотингиз
бўлса, улардан сизни обрўсиз-
лантириш учун фойдаланишля-
ри мумкин.

АНОНС




24-29 sentabr
Toshkent, Jizzax

**AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA
TEXNOLOGIYALARI
HAFTALIGI**

www.ictweek.uz

10-бет ▶





ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК, ОЧИҚЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ТАНТАНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 сентябр кuni Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун Тожикистонга келди. Душанбе халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон кутиб олди. Бу ҳақда Президентнинг матбуот хизмати хабар берди.



Учрашув

Шу кuni икки давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Эмомали Раҳмон Шавкат Мирзиёевни ташрифи билан қутлади. Тожикистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи натижалари юқори баҳоланди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Буюк мутафаккирларга эҳтиром

Президентлар шу кuni Душанбе шаҳрида янги очилган бог билан танишиб, Нуриддин Абдураҳмон Жомий ва Низомиддин Алишер Навоий ҳайкалининг очилиш маросимида иштирок этишди.

Президентимиз ташаббуси билан жорий йил 7 март кuni Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида ўзбек ва тожик адабиётининг икки буюк мутафаккири — Алишер Навоий ва Абдураҳ-

мон Жомий ҳайкаллари ўрна-тилган эди. Давлатимиз раҳбарининг ана шу эзгу ташаббусига жавобан Душанбе шаҳрида Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи барпо этилиб, унда икки буюк сиймо ҳайкали очилгани халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар мустаҳкамланиб бораётганининг ёрқин ифодасидир.

Президентлар Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, даҳолар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Давлат одамларга шароит яратиш, халққа хизмат қилиш учун керак

Президент Шавкат Мирзиёев Президент Эмомали Раҳмон ҳамроҳлигида Тожикистоннинг Турсунзода шаҳрига ташриф буюрди. Шаҳарга кираверишда минглаб аҳоли жам бўлиб, давлатимиз раҳбарини катта хурсандчилик, тантана билан кутиб олди. Миллий куй-қўшиқлар, рақслар ижро этилди.

Ўзбекистон Президентининг қўшни давлатлар билан очиқлик, бағрикенглик сиёсати ҳамма тожикистонликлар қатори Турсунзода аҳолисига ҳам катта қувонч бағишлаган. Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил март ойида Тожикистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган Давлат чегараси бўйича шартнома ҳамда Фуқароларнинг ўзаро қатнови тўғрисида битим халқларимиз ҳаётида улкан аҳамиятга эга бўлди. Чегаралар ўтказиш пунктлари фаолияти қайта тиклангани, аҳолининг бордингелдиси учун ўттиз кунгача визасиз тартиб жорий этилгани, автотранспорт ва самолётлар қатнови йўлга қўйилгани одамларга кенг қулайликлар яратмоқда. Президентимиз “Ўзи давлат нима учун керак? Одамларга шароит яратиш, халққа хизмат қилиш учун керак” дея кўп таъкидлайди. Бугун давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, жумладан, қўшни мамлакатлар билан муносабатларидаги ўзгаришлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Истиқболли лойиҳа тақдироти

Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев Президент Эмомали Раҳмон ҳамроҳлигида Турсунзода шаҳридаги “Талко” давлат унитар корхонаси билан танишди. Ушбу завод 1975 йилда қурилган. 2007 йилда “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонасига айлантирилган. Бугунги кунда “Талко” тоғ-кон ва кимё-металлургия соҳаларида кўплаб корхоналарни бирлаштирган. Жорий йил июл ойида Ўзбекистоннинг “Крантас групп” маъсуляти чекланган жамияти билан Тожикистон алюминий компанияси ҳамкорлигида “Талко-Крантас” махсус техникалар заводи ташкил этилди. Мазкур қўшма корхонада автокранлар, трактор тиркамалари, яримтиркамалар ва бошқа махсус техникалар ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг ташрифи чоғида ушбу истиқболли лойиҳа тақдироти ўтказилди. Давлатимиз раҳбари Тожикистон алюминий компанияси фаолияти билан танишди.

28 сентябр кuni Ўзбекистон Президенти Душанбе шаҳрида МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этади. Тор ва кенг донирларда музокара-лар ўтказилиши, қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

➤ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 сентябр кuni мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Америка Қўшма Штатларининг Фавкулда ва мухтор элчиси Памела Спратленни қабул қилди. Учрашув якунида мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун Памела Спратлен хоним “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.**

➤ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 сентябр кuni расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Бинали Йилдиримни қабул қилди. Суҳбатда олий даражадаги учрашувлар якунида эришилган келишувлар ва қабул қилинган битимларни амалга ошириш, шунингдек, ҳамкорликка оид қўшма дастур ва лойиҳаларнинг парламентлар вакиллари томонидан фаол қўллаб-қувватланиши муҳимлиги қайд этилди.**

➤ **2018 йил 27 сентябр кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси очилди. Ялпи мажлисда қатор масалалар кўриб чиқилмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди ва сенаторлар томонидан маъқулланди. Қонунга кўра, 5 апрел – Давлат хавфсизлик хизмати кuni этиб белгиланди. Мажлис бугун ҳам давом этади.**

➤ **Пойтахтимизда “Оилани мустаҳкамлаш ва ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли” мавзuida халқаро илмий-амалий конференция ўтказилмоқда. Унда Афғонистон, Бельгия, Буюк Британия, Италия, Испания, Жанубий Корея, Миср, Покистон, Озарбайжон, Россия, Ҳиндистон давлатларидан ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси ва ШХТ вакиллари, мамлакатимиз мутахассислари, соҳа ходимлари, олимлар, илмий тадқиқотчилар иштирок этмоқда.**


➤ **ЕХХТ Парламент ассамблеяси Дания делегациясининг “Тараққиёт стратегияси” марказида ўтказган учрашувида ушбу марказнинг Европадаги таҳлил марказлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди. Музокаралар Петер Юэл Йенсен бошчилигидаги Дания делегацияси билан марказ ижрочи директори ўринбосари Бобур Бекмуродов раислигидаги марказ аъзолари ўртасида бўлиб ўтди.**

➤ **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хоризда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.**

DIGITAL UZBEKISTAN: ЭКСПЕРТЛАРНИНГ НОЁБ ПЛАТФОРМАСИ

26 сентябр куни Тошкент шаҳрида ICTWEEK Uzbekistan 2018 ҳафталиги доирасида DIGITAL UZBEKISTAN форуми бўлиб ўтди.

“Ўзэкспо-марказ” анжуманлар залида ўтказилган ушбу форум ахборот технологиялари соҳасида замонавий тенденцияларни муҳокама қилиш учун экспертларнинг ноёб платформасига айланди.



“Ўзэкспо-марказ” анжуманлар залида ўтказилган ушбу форум ахборот технологиялари соҳасида замонавий тенденцияларни муҳокама қилиш учун экспертларнинг ноёб платформасига айланди.

Талбирда давлат органлари раҳбарлари, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, халқаро экспертлар ва таҳлилчилар, йирик маҳаллий ва хорижий АКТ-компаниялар вакиллари иштирок этишди. Бу ерда Ўзбекистон, Швеция, Грузия, Россия, Қозоғистон, Жанубий Корея, Германия ва Сингапурдан ахборотлаштириш ва digital-трансформация соҳасидаги етакчи мутахассислар жам бўлди.

DIGITAL UZBEKISTAN форуми очилишида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шухрат Солиқов сўзга чиқди.

— АКТ ҳафталигининг асосий талбирларидан ҳисобланган DIGITAL UZBEKISTAN форуми иштирокчиларини қутлашга руҳлат бергайсиз, — деди вазир. — Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг глобал ахборот ҳам-жамиятида ўз ўрнини мустақамлаши, жамият ва иқтисодиётнинг рақамли трансформацияси, АКТнинг келгуси ривожига оид масалаларни ечишда мазкур форум ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Бутун кўз ўнгимизда иқтисодий тараққиёт моделларининг глобал ўзгариши рўй бериб, у иқтисодий ўсишнинг янги йўналишларини шакллантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбарияти ахборот-коммуникация технологияларини, жумладан, рақамли иқтисодиётнинг ривожлантириш, инновацияларни жорий этиш ва рақамли инфратузилмага инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бермоқда.

Соҳа раҳбари ўз маърузасида иқтисодиётнинг келажақдаги ривожланиши кўп жиҳатдан замонавий ахборот технологияларини, дастурий маҳсулотлар ва ривожланган рақамли инфратузилмани амалга ошириш даражасига боглиқ бўлишини айтиб, шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда ахборот технологиялари соҳасида амалга оширилган ишларни акс эттирувчи бир қатор фактларни келтирди. Электрон тижорат, блокчейн технологияси фаол жорий қилинаётгани, ақли ва хавфсиз шаҳарларни жорий этиш

учун шароитлар яратилаётганини қайд этди. Шунингдек, яқин келажақда оид режаларга ҳам алоҳида тўхталди:

— Аввало, телекоммуникациялар инфратузилмасини инвестициялар ҳисобига янада кенгайтириш, хусусан, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмини жорий йилда 200 млн. долларга ва 2019 йилда 500 млн. долларга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, жорий йилнинг охирига келиб, Халқаро пакетли коммуникация маркази ўтказувчанлиги тезлигини 10 баробаргача ошириш, халқаро интернет-тармоқларга улашни умумий тезлигини 1200 Гбит/с.гача етказиш режалаштирилмоқда.

Ахборот тизимлари ва дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида иқтисодиётнинг реал секторига амалга оширилиши назарда тутилган уч йиллик дастур асосида жами 2 триллион сўмлик 67та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Олдимизга 2021 йилга қадар мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi ахборот технологиялари улushiни камида 4 фоиз ва дастурий маҳсулотлар экспорти ҳажмини 10 баробар ошириш вазифасини қўйганмиз, — деди у.

Форум ишида халқаро экспертлар, маҳаллий ва хорижий

давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирокида рақамлаштириш тенденциялари ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Жумладан, “Рақамли Қозоғистон” давлат дастури ва Astana Hub халқаро технопаркиннинг тақдироти бўйича Дархон Мухатов, Халқ таълими тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мавзусида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Сарвар Бобоҳўжаев, Рақамли трансформация жараёнида инвестицияларни қандай қайтариш мумкинлиги ҳақида грузиялик мутахассис Ираклий Кашибадзе, Технологик талбиркорликни ривожлантириш бўйича таълим дастурлари: Россия таърибаси мавзусида россиялик эксперт Алексей Гусев, Ўзбекистон иқтисодиётининг рақамли трансформацияси: ўсиш учун янги имкониятлар мавзуси бўйича IDSнинг Марказий Осиё, Озарбайжон ва Мўғулистон минтақавий директори, Халқаро СЮ Академияси вице-президенти Андрей Беклемишов ва яна бошқа бир қатор маҳаллий ва хорижий экспертлар маъруза қилишди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

Ираклий КАШИБАДЗЕ,
Future Laboratory бош директори (Грузия):

— Тез ўзгарувчан дунёда инсонларда шунга монанд қобилиятлар шаклланиши лозим. Кўплаб касбларга шунчаки талаб қолмапти. Ўша касб эгаси нима қилиши керак? Ўзгаришларга тез мослашиши, янги кўникмаларни шакллантириб бориши лозим бўлади. Бу ҳолатга, айниқса, келажақда фарзандларимиз кўп дуч келишди. Афсуски, бугунги таълимда ўқувчилар ҳамон пассив тингловчилар услубида тахсил олишмоқда. Бу тарзда улар янги чақирқларга доим тайёр тура олишмайди. Худди машина ҳайлашни ўрганиш, компьютерда ишлашни ўзлаштириш каби жараёнлар фақат назария билан амалга ошмаганидек, ҳар бир фан, ҳар бир билим амалиётлар билан боғланиб бориши лозим. Шунда болаларда янги кўникмалар, стартаплар яратиш базаси шаклланиб боради. Ривожланган мамлакатларда бу жараёнларга ўтиш бошлаб юборилган. DIGITAL UZBEKISTAN форумидagi маърузалардан билдимки, Ўзбекистонда ҳам таълим тизими янги босқичга ўтмоқда. Бу қувонтиради, албатта. Ушбу форум бизга шу каби замонавий тенденциялар, рақамли иқтисодиёт ва трансформация бўйича ўз билим тажрибаларимизни ўртоқлаштириш имконини берди.



Санжар САИДХЎЖАЕВ,
IT-консультант, форум
модератори:

— Талқинотларга кўра, ҳозирда мактабларда тахсил олаётган ўқувчиларнинг 65 фоизи келажақда бугун мавжуд бўлмаган касбларда ишлашди. Шу сабабдан келгусида инсон капиталига эътибор низоҳатда қучаяди. Бўлиб ўтган форумда шу мавзуда қатор чиқишлар бўлди. Бу шунинг англатадики, келажақда таълим тизими ва услублари мутлақо ўзгаради. Бу ўзгаришлар қай кўринишда бўлади, жараёнга қандай тайёрланиб бориш керак? Шу каби саволлар юзасидан хорижлик экспертлар билан фикр алмашидик.



ICTEXPO 2018: ТАЛАБ, ТАКЛИФ, ТАШАББУС

ТОШКЕНТ

“Мамла-
катимизда
ICTWEEK
хафталиги
доирасида
Тошкент ва
Жиззах
шаҳарларида
ICTEXPO 2018
кўргазмалари
бўлиб ўтди.”

АКТ ҳафталигининг бу йирик тадбири ахборот технологиялари соҳасида фаолият олиб боровчи бизнес вакиллари ва бевосита истеъмолчиларнинг ўзаро мулоқотида, талаб ва таклифнинг шаклланишига, ҳамкорликдаги ташаббусларни илгари суришга имконият яратиб бергани билан ҳам аҳамиятлидир.

ICTEXPO 2018да 50дан зиёд компаниялар ўз стендларини ташкил этди. Улар орасида нафақат маҳаллий ва қўшма корхоналар, шунингдек, Россия, Қозғистон, Япония, Германия каби мамлакатлар компаниялари ҳам бор.

ICTEXPO 2018 турли йўналишларни қамраб олди:

Телекоммуникациялар ва сервис хизматлари: “Ўзбектелеком” АК, East Telecom, “Росоператор”, Ipmatika-Tashkent, INSIGHT SOLUTIONS, Bastion System, Winncom Technologies, UZDIGITAL TV, “Элтекс Алату” каби компаниялар.

Тизим интеграторлари ва онлайн дўконлар: TRIADA KOM, NEC Corporation, Epson, Teleset Alfa, Nihol-Komtex, ALOQALOYIHA, Book2net, Green White Solutions, Avtech, FORT PRO BIZNES, Lider Team ва бошқалар.

Мобил алоқа компаниялари: UZMOBILE, Ucell, UMS.

Дастурий-аппарат комплекслари: Standart IT-Sektor, VRonica, NORMA, Space Online Genesis (Faktura.uz), “Matbuot tarqatuvchi” АК ва бошқалар.

Соҳа таълим муассасалари: Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкентдаги Инҳа университети, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги махсус мактаб.

Давлат корхоналари: UNICON.UZ ДУК, Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш маркази, Давлат солиқ қўмитаси, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази, Геоинновацион марказ ДУК, “Алоқабанк” АК ва бошқалар.



ЖИЗЗАХ

ICTEXPO 2018 МИНТАҚАВИЙ КЎРГАЗМАСИ

Кўргазмани Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ғанишер Маматкулов очиб, замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, ҳаётга янги технологиялари изчиллик билан татбиқ этиш борасида вилоятда олиб борилаётган ишларга тўхталди. У “Жиззах вилояти: Инновациялар, Инве-

стициялар, Ахборотлаштириш” форуми вилоятда илк маротаба ўтказилганини алоҳида таъкидлади.

ICTEXPO 2018 минтақавий кўргазмаси 500 квадрат метр майдонни банд этиб, унда Жиззах, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг 35та ахборот технологиялари компанияси қатнашди.

Жиззах минтақавий кўргазмаси йўналишлари:

- Телекоммуникациялар;
- Электрон ҳукумат;
- Хавфсиз шаҳар;
- Интернет технологиялари;
- Жиззах ЭИЗ, Жиззах вилояти КСЗ;
- Турли соҳаларни

ахборотлаштириш (тиббиёт, таълим ва бошқалар).

- Мобил ечимлар;
- Кичик бизнес учун IT-ечимлар.

Тошкентда ўтказилган DIGITAL UZBEKISTAN форуми Жиззах минтақавий кўргазмасига келувчилар учун катта экранда тўғридан-тўғри намойиш этилди.



Андрей ЦАЙ,
UMS МЧЖ муҳим мижозлар билан ишлаш департаменти директори:

— UMS ўз фаолиятида корпоратив сегмент билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. ICTEXPO кўргазмаси эса компаниянинг бизнес учун имкониятларини намойиш қилишига, ҳамкорлари сафини кенгайтириш ва мижозлари сонини орттиришга хизмат

қилади. Бу турдаги мижозларга эксклюзив хизматларни тақдим этишга тайёرمىз. Мисол учун, “Бизнес-хушомад” акциямиз фаол давом этмоқда. Унга кўра, ҳар бир янги уланган корпоратив рақамга олти ой давомида ҳар ой 2000 мегабайт интернет бепул берилади.

Яқинда “Кулай алмашув” (тариф режаси дақиқаларини мегабайтларга алмаштириш имконияти) ва “Инспектор” (тариф режаси мегабайтлари тугагандан сўнг интернет автоматик равишда ўчиб қолади) хизматларини жорий этдик.

ЖИЗЗАХДА УЧТА МАКТАБГА КОМПЮТЕР СИНФЛАРИ СОВҒА ҚИЛИНДИ

25 сентябр куни Жиззах шаҳрида ICTWEEK UZBEKISTAN 2018 АКТ ҳафталиги ва “Болалар учун ахборот технологиялари” акциясига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжумани Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ғанишер Маматкулов очди. У вилоятда биринчи марта ICTEXPO 2018 минтақавий кўргазмаси ва “Жиззах вилояти: Инновациялар, Инвестициялар, Ахборотлаштириш” форуми ўтказилишини маълум қилиб, ташкилотчиларга алоҳида миннатдорлик билдирди.



Талбирда шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари бўйича қўмитаси раиси Илҳом Абдуллаев, унинг ўринбосари Эркин Холбўтаев АКТ ҳафталигининг айнан Жиззахда ўтказилиши аҳамияти ҳақида сўз юритишди.



Илҳом Абдуллаев анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган АКТ ҳафталиги доирасида вилоят мактаблари учун учта компьютер синфи совға қилинганини айтди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилганидан сўнг, “Болалар учун ахборот технологиялари” акцияси видеоконференцалоқа тарзида намойиш этилди.

“Болалар учун ахборот технологиялари” акцияси доирасида Жиззах шаҳридаги Зулфия ва Ҳамид Олимжон номидаги мактаб-интернат, Фориш туманидаги 72-ўрта мактаб ҳамда Шароф Рашидов туманидаги 17-ўрта мактабда компьютер синфлари ташкил этилиб, интернет тармоғига уланди.

Собит АҲАДОВ “Xabar” мухбири

Саидазим ШАВКАТОВ, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги махсус ихтисослаштирилган АКТ мактаб ёшлар етакчиси:

— Мактабимиз ўтган 2017 йили 60 нафар илж ўқувчи билан фаолиятини бошлаганди. Мактабимизга қизиқиш жуда катта, масалан, бу йилги қабул имтиҳонларида 60 ўрин учун 500дан зиёд ўқувчи билимлар курашида қатнашди. ICTEXPO кўргазмасига келаётганлар ҳам мактабимиз фаолиятига жиддий қизиқиш билдиришди: мактабга ўқувчилар қандай талаблар асосида қабул қилинади, дарслар қандай ўтилади,

бу мактабни битирганларга имтиёзлар борми — ҳуллас, кўп ва ўринли саволлар.

Шуни айтиш керакки, қабул имтиҳонларимизда болалар мантиқий топшириқларни ҳам бажаришлари шарт, шунчаки омади келиб осон саволлар тушган ёки китобни ёдлаб олганлар эмас, аввало кенг фикрлай олувчи болалар мактабимиз ўқувчиларига айланишяпти. Шунинг учун ҳам улар фанлар-


ни (математика, физика, информатика, инглиз тили ва қўшимча фанлар) ўзлаштиришда қийналишмаяпти.

Мактаб учун қурилаётган бино қурилиши тутаб, у ерга кўчиб ўтилгач имкониятлар жудаям кенгайди: ётоқхона; ўқувчилар сонини кўпайтириш мумкин бўлади, ҳуллас, мактабни республика даражасидаги таълим даргоҳига айлантириш режалаштирилган.

Шўҳрат ЗОКИРОВ, Interactive Robot Solutions компанияси электрончи-муҳандиси:

— ICTEXPO кўргазмасига Россиядаги ҳамкоримиз тақдим этган инсон билан мулоқот қила олувчи робот, ўзимиз ясаган “Меҳржон” роботи ва бошқа ишланмаларимиз билан келдик.

Бутун дунё роботлашиб бораётган даврда яшашимиз, темиртанлар ўта универсаллиги учун ҳам шундай: санот роботлари бор, дўкон сотувчиси ҳам робот бўлиши мумкин. Шундай касблар борки, инсон ҳаёти учун хавфли, унинг саломатлиги учун зарарли, масалан, портловчи моддаларни аниқлаш, радиоактив моддалар билан ишлаш — назаримда бу ишларни роботларга топширган маъқул. Компаниямиз ўз келажагини айни шу йўналишларда кўрапти.



ВСТРЕЧА С ВИЦЕ-МИНИСТРОМ ИНФОРМАЦИИ И КОММУНИКАЦИЙ КАЗАХСТАНА



26 сентября в Министерстве по развитию информационных технологий и коммуникаций состоялась встреча с вице-министром информации и коммуникаций Республики Казахстан Динарой Щегловой, которая принимает участие в мероприятиях Недели ИКТ ICTWEEK UZBEKISTAN 2018.

В ходе беседы обсуждены перспективы дальнейшего взаимодействия между двумя странами в сфере информационно-коммуникационных технологий. Отдельное внимание было уделено сотрудничеству и

обмену опытом между профильными предприятиями: Центр развития системы «Электронное правительство» и Единый интегратор UZINFOCOM от узбекской стороны и АО Национальный инфокоммуникационный холдинг «Зерде» от казахстанской стороны.

Также стороны договорились наладить обмен опытом по внедрению широкополосных сетей телекоммуникаций, в том числе в труднодоступных сельских местностях, а также по вопросам развития цифровой экономики.

ГРУЗИНСКИЙ ЭКСПЕРТ-КОНСУЛЬТАНТ ПОСЕТИЛ ЦЭП

В рамках Недели информационно-коммуникационных технологий ICTWEEK 2018 в Центре развития системы «Электронное правительство» состоялся семинар с экспертом и консультантом из Грузии Ираклием Кашибадзе. Стоит отметить, что на данный момент он является генеральным директором консультационной компании Future Laboratory. Его деятельность нацелена на развитие экосистем, поддерживающих инновации и стартап-проекты.

На семинаре приняли участие: сотрудники Центра и представители Министерства внешней торговли, Государственного налогового комитета, Центрального Банка, Госкоминвестиции, Министерства юстиции и другие.



Открыл семинар первый заместитель директора Центра Мурод Расулов.

На семинаре грузинский эксперт-консультант выступил с двумя презентациями на темы: «Опыт Грузии по развитию электронной коммерции» и «Как получить возврат от инвестиций в процессе цифровой трансформации».

По рекомендациям Кашибадзе, очень важное значение и роль играет повышение информированности населения в регионах о пользе электронной коммерции. Также, нужно постоянно проводить работы по повышению уровня знаний и навыков предпринимателей, имеющих желание заниматься э-коммерцией.

В ходе мероприятия всем участникам было интересно послушать мнение и рассмотреть наглядные примеры Грузии и других стран на тему, как получить максимальную экономическую выгоду и возврат инвестиций в процессе цифровой трансформации, и внедрения системы электронного правительства.

«Узбекский народ очень предприимчивый и у него высокий потенциал. Я рад, что у вас происходит быстрый ход реформ» — сказал Ираклий Кашибадзе.

В конце семинара слушатели поблагодарили эксперта-консультанта за интересные факты и примеры касательно опыта Грузии в данном направлении.

В ДЖИЗАКЕ ПРОШЕЛ РЕГИОНАЛЬНЫЙ ФОРУМ 3i

27 сентября в рамках Недели ИКТ ICTWEEK 2018 в Джизаке прошел Региональный форум «Джизакская область: Инновации, Инвестиции, Информатизация», собравший специалистов сферы инвестиционной и инновационной деятельности был посвящен обсуждению вопросов повышения экономического потенциала Джизакской области, привлечению в регион инвестиционных и инновационных ресурсов.

На форуме приняли участия более 200 представителей ИТ компаний, госорганов, из г. Ташкента, Джизак-

ской, Самаркандской и Сырдарьинской областей.

Форум проводился по шести основным секциям. Это:

- Инвестиционный потенциал ИКТ-сектора Джизакской области;
- ИТ-инновации в СЭЗ «Джизак»;
- Развитие ИТ-потенциала МПЗ Джизакской области;
- Исполнение региональных ИТ-программ в Джизакской области;
- Роль ИКТ в повышении капитализации предприятий;
- Развитие телеком-

инфраструктуры Джизакской области и др.

Участники регионального форума детально ознакомились с возможностями ведения бизнеса в СЭЗ «Джизак», создаваемых в области малых промышленных зонах. Были заслушаны доклады о состоянии и перспективах развития информационной сферы и сетей телекоммуникаций в Джизакской области. Сделаны презентации о проводимой в регионе деятельности по улучшению доступа субъектов предпринимательства к банковско-финансовым ресурсам.

КО ДНЮ УЧИТЕЛЯ И НАСТАВНИКОВ

В ЦЕНТРЕ ВНИМАНИЯ — МОЛОДОЕ ПОКОЛЕНИЕ

Наша страна находится на новом этапе реформ: выполняется Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах, принята Стратегия инновационного развития Узбекистана на 2019–2021 годы, цель которой — развитие человеческого капитала.

Большое внимание Президент страны уделяет ускоренному развитию сферы информационных технологий и коммуникаций. В стране осуществляются кардинальные реформы в системе образования и воспитания, идут грандиозные преобразования, успех которых во многом связан с развитием сфер науки, образования и воспитания.

Где бы не выступал глава нашего государства — на сессии Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций, на совещании глав государств — членов ШОС, перед жителями страны — всегда большое внимание уделяется проблемам воспитания молодежи. Выдвинутая им инициатива «Просвещение против невежества и насилия» сегодня более чем актуальна и находит широкую поддержку в мировом сообществе.

В противодействии таким тревожащим все человечество угрозам, как терроризм и экстремизм, сегодня уже нельзя ограничиваться только борьбой с их последствиями, главной задачей становятся искоренение перво-причин этих угроз, воспитание мо-

лодежи в духе высоких идеалов гуманизма. И в этом вопросе важнейшая роль принадлежит учителям и наставникам, которые не жалея своих сил, энергии и времени участвуют в воспитании и образовании молодого поколения, заботятся о его гармоничном духовном, интеллектуальном и нравственном развитии. Семья — детский сад — школа — ВУЗ — общество, наставник и учитель — вот главные составляющие в воспитании молодого поколения. В прошлогоднем приветствии наставникам и учителям руководитель нашей страны сказал: «Мы хорошо знаем и высоко ценим ваш огромный вклад в гармоничное развитие нашей молодежи, которая сегодня глубоко ов-

ладевает современными знаниями и профессиями, иностранными языками, с большими мечтами и надеждами вступает в самостоятельную жизнь, становясь решающей силой нашего завтрашнего дня».

В преддверии этого замечательного праздника также необходимо отметить те большие и важные задачи, которые Президент страны поставил и перед коллективом Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразми. Предстоит непростая и напряженная работа. Дорогу осилит идущий!

С Праздником, дорогие коллеги!
А. АБДУРАХИМОВ,
старший преподаватель ТУИТ



ЖУЭН О: “ПРОФЕССОРНИНГ ИШИ ФАҚАТ ДАРС БЕРИШ ЭМАС”

Профессор Жуэн О хоним — Жанубий Кореядаги “�қитувчилар кун”и, негa профессорлар фақат дарс бериш билан овора бўлмаслиги кераклиги, Инҳанинг рейтинги, илмий тадқиқотлар нима учун зарурлиги ва бошқа муҳим масалалар ҳақида.

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети (IUT) — Корея университетлари тарихида Корея ташқарисида очилган биринчи олий таълим даргоҳи. IUTдаги таълим жараёни тўлиқ корейликлар назорати остида. IUTда дунёнинг машҳур университетларида тахсил олган жанубий корейлик, америкалик, франциялик, болгариялик, ўзбекистонлик ва бир қатор бошқа мамлакатлардан келган ўқитувчи-профессорлар юртимиз ўғил-қизларига логистика ва компьютер-ахборот технологиялари соҳаси сириларини халқаро стандартлар даражасида ўргатишмоқда.

Улар орасида икки йилдан буюн IUT талабаларига менежмент фанларидан аъло даражада сабоқ бериб келаётган Жанубий Кореядан келган профессор Жуэн О хоним ҳам бор. Биз ўқитувчи ва мураббийлар байрами арафасида профессор Жуэн О билан учрашиб, суҳбатлашдик.

— **Жанубий Кореяда “Ўқитувчилар ва мураббийлар” байрами борми?**

— Ҳа, 15 май “Ўқитувчилар кун”и деб белгиланган. Лекин сиздагидан фарқи — “Ўқитувчилар кун”и Кореяда оддий иш кун, яъни дам олиш кун эмас. Ўтган йили мен Ўзбекистондаги “Ўқитувчи ва мураббийлар кун”ига бағишланган байрам тадбирларини кўриб, жуда хайрон ва хурсанд бўлдим. IUT талабалари ўқитувчи-профессорлар учун махсус ва ажойиб байрам тадбири ташкил қилишди, чин дилдан табриклаб, совғалар тақдим этишди. Мен Ўзбекистон ҳукумати устоз ва мураббийларга кўрсатётган ҳурмат-эътибордан жудаям таъсирландим.

— **Биз сизни IUTда талабаларга менежмент фанларидан аъло даражадаги маърузаларингиздан ташқари менежмент соҳасида илмий тадқиқотлар ҳам олиб бораётганингиз ҳамда нуфузли халқаро менежмент журналларида IUT номидан икки**

йил ичида бир неча мақола чоп эттирганингизни эшитиб хурсанд бўлдик. Бу албатта Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг дунё университетлари орасидаги рейтинги ва нуфузи ошишига хизмат қилади. Ҳозир қандай илмий тадқиқотлар билан бандсиз?

— Илмий тадқиқотларим кадрлар менежменти соҳаси ҳақида. Ҳозир биласиз, Ўзбекистонда университетларнинг халқаро рейтингини кўтариш ва олий таълим ҳамда илмий тадқиқотлар сифатини ошириш мақсадида мамлакатингиз университетлари ва илмий тадқиқот мусассаларига маъруза ўқиш ва маҳаллий профессорлар олимлар билан халқаро даражадаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун чет элдан малакали профессорлар жалб қилинапти. IUTда чет эллик профессорлар кўпчилигини ташкил этишдан ҳам хабардорсиз. Шунинг учун ҳозир мен IUTда ва Ўзбекистондаги бошқа университетларда ишлаётган чет эллик ва маҳаллий профессорлар орасида сўровномалар ва интервьюлар ташкил қилиб, улар Ўзбекистон университетларида ва умуман Ўзбекистондаги ҳаёт тарзига мослашиши ва муваффақиятли фаолият олиб боришлари учун қандай омиллар муҳимлигини тадқиқ қилияпман.

Бу тадқиқотимнинг биринчи натижа ва хулосалари бўйича ёзган мақолани яқинда халқаро менежмент журнаси чоп этиш учун қабул қилди. Якуний натижаларимни олганимдан сўнг эса каттароқ мақола ёзиб, уни ҳам халқаро менежмент журнасида чоп эттиришни режалаштирганман. Мен шунга аминманки, ушбу тадқиқот натижаларим ва тавсияларим Ўзбекистонга ишга келувчи чет эллик профессор ҳамда бошқа мутахассисларга Ўзбекистондаги ҳаёт тарзига, ўзбек маданиятига ва бу ердаги иш муҳитига мослашиб муваффақиятли фаолият олиб боришларида ёрдам беради.

Бундан ташқари, мен Ўзбекистонда очилаётган хорижий компания ва хорижий университетларга маҳаллий номзод кадрларни танлаб олиш-саралаш мезонлари, интервью ўтказиш стратегияси, бир сўз билан айтганда, қандай қилиб Ўзбекистонда муваффақиятли рекрутинг жараёнини ташкил қилиш борасида тадқиқотлар олиб бориб, ўз тавсияларимни тайёрлаяпман.

— **Тошкент шаҳридаги Инҳа университети Ўзбекистонда катта обрўга эга. Энди қандай қилиб IUT мавқеи ва нуфузини Марказий Осиё ва бутун дунёда ҳам кўтарса бўлади?**

— Билсангиз керак, дунёдаги университетлар рейтингини бир неча мезонлар асосида белгиланади. Булардан энг муҳимлари — университет профессорлари нуфузли халқаро илмий журналлар базасига (Web of Science, SCOPUS илмий базалари) кирувчи журналларда чоп этган мақолалар сони ва сифати, университетда битта профессорга тўғри келувчи талабалар ўртача сони (бу кўрсаткич катта бўлмаслиги керак), университетда таълим олаётган хорижий талабалар ва таълим-тадқиқот олиб бораётган хорижий профессорлар сони ва улушлари.

Албатта, университетимизнинг дунё университетлари орасида рейтингини ва нуфузини кўтаришда, ўйлайманки, энг аввало, биз — профессорларда катта масъулият ётади. Ўзини ҳурмат қилган ва ўзини профессор деб

ни ўз ичига қамраб олган маърузаларни тақдим эта олмайди, яъни профессор ўтмишда “қотати”.

Биласизки, ҳозирда дунёда илмий тадқиқотларнинг энг катта улуши барча фан соҳаларида назарий моделлаштириш ҳамда шу назарий моделлар асосида компютерларда ҳисоблаш ва яқуний натижалар олишдан ва уларни таҳлил қилишдан иборатдир. Бундай илмий тадқиқотларни олиб бориш учун тезкор компютердан ташқари бошқа лаборатория ускуналари талаб этилмайди. Масалан, бизнинг IUTда катта ҳажмдаги хотирани ўз ичига олган серверлар ва катта тезликдаги электрон ҳисоблаш машиналари (компютерлар) мавжуд. Демак, университетимизнинг ўзида профессорларимиз бемалол катта ҳажмдаги назарий ҳисоблашлар-



ҳисоблаган ҳар бир инсон университетда нафақат талабаларни ўқитиши, балки сифатли тадқиқотлар олиб бориши ва бир йилда ҳеч бўлмаганда 1-2та мақола-ни нуфузли халқаро илмий журналларда чоп эттириши шарт.

Ўз касбини севган ва малакали профессор бунинг учун ҳар доим имконият топади. Масалан, агар университетда илмий тажриба учун керакли қандайдир ускуна мавжуд бўлмаса, профессор бошқа илмий марказ ва университет лабораториялари билан ҳамкорлик қилиб, бемалол керакли тажрибаларини у ерда ўтказиши, унинг натижаларини таҳлил қилиб, илмий мақола ёзиши мумкин. Албатта, илмий мақолани нуфузли халқаро илмий журналда чоп эттириш учун, мақолада сифатли ва долзарб тадқиқот олиб борилган ва олинган натижалар шу фан соҳаси учун янги, муҳим ва керакли бўлиши лозим. Сифатсиз мақолани нуфузли халқаро илмий журналда чоп эттириб бўлмайди.

Агарда профессор мунтазам равишда долзарб илмий тадқиқотлар олиб бормаса, у ўз малакасини йўқота боради ва талабаларга фаннинг энг сўнгги натижалари-

ни амалга ошириб, олинган натижаларини таҳлил қилиб, мақола ёзишлари мумкин.

Ҳар бир университетда, талабаларга юқори даражада маърузалар ўқишдан ташқари, илмий натижаларини халқаро илмий журналларда чоп эттираётган профессорлар — университетнинг юрагидир. Шунинг учун, университетнинг мақолалар сони ва нуфузини ошириш мақсадида, бундай профессорларга, мақола чоп этмаётган оддий профессор-ўқитувчиларга қараганда, камроқ маъруза юктамаларини (соатларини) белгилаш керак.

Яқин келажакда IUTда магистратура очилиши режалаштирилмоқда, унда профессорларимизга магистр талабаларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилиш талаб этилади. Бу дегани, профессорларимиз маърузалар ўқишдан ташқари, албатта, сифатли илмий тадқиқотлар олиб боришлари ва илмий мақолаларини нуфузли хорижий илмий журналларида чоп эттириб, Тошкентдаги Инҳа университетининг дунё университетлари орасидаги рейтингини ва нуфузи ошишига ўз ҳиссаларини қўшишлари шарт.

— **Суҳбатингиз учун раҳмат!**

“**Ҳар бир университетда, талабаларга юқори даражада маърузалар ўқишдан ташқари, илмий натижаларини халқаро илмий журналларда чоп эттираётган профессорлар — университетнинг юрагидир.**”



МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИК ТАЖРИБА УЧУН ИМКОНИЯТ



Муваффақиятсизлик онларида биздаги худбинлик ашаддий рақибимизга айланади. Воқеалар ривож бизнинг истакларимизга қарши бориши оқибатида бизда нотўғри ҳимояланиш механизми ишга тушади. Аксарият одамларда бу вазиятда ҳис-туйғу ғолиб келади.

Муваффақиятсизлик лаҳзаларида қуйидагиларга амал қилган инсон ўзига мақсадда эришиш учун имкон берган бўлади.

Хатони тан олинг

Дунёдаги энг қийин иш — одамнинг ўз хатосини тан олиши. Устига-устак, бу хатони тўғрилашга ҳаракат қилмаслик ўзингизда кучли иродани шакллантиришингизга тўсқинлик қилади. Хатони тан олинг. Муваффақиятли одамлар "мен хато қилдим" дейишади. Омадсиз одам эса доим "бу менинг айбим эмас" дейди ва айбдорларни излаб, ўзини оқлашга уринади.

Йўқотишларни тасаввур қилинг

Мақсадга эриша олмаган инсон йўқотишларни чама-

лаш ўрнига, қаҳр-ғазабга тўлган бўлади. Ноҳақлик, адолатсизлик унинг иродасини синдиришга уринади. Биз филмларда покер ўйнаётиб катта пулни қўлдан бой берган ва уни қайтариш учун бор пулини тиккан, натижада омадини қайтариб олган қаҳрамонларни кўп кўрганмиз. Ҳаётда ҳам шундай — йўқотишларни аниқ тасаввур қилиш инсонни яна қайта ҳаракат қилишга ундайди.

Ижобий бўлинг

Ёш чивин учини ўргангач, илк мартаба емак ташвишида инни тарк этибди. Қайтиб келгач, отаси ундан олган таассуротларини сўрабди.

"Ҳаёт гўзалликларга тўла экан. Айниқса, мени кўриши билан қарсак чалишга киришиб кетган одамларни кўрганимда ўзимни янада бахтиёр сездим", дебди у.

Хулоса шуки, барчаси муносабатингизга боғлиқ. Сиз эса доимо ижобийсини танланг.

Ўзингизга сиз бахтиёр эканингизни уқтиринг

Тушунлиққа тушмаслик — бу биз ўрганишимиз керак

бўлган машқ. Олдимиздан ариқ ёки чуқурлик чиқса, тушиб кетмаслик учун сакраймиз — бу ҳам машқ. Нера энди руҳий чуқурга билиб-туриб қадам босишимиз керак?

Тез-тез ўзингизга "ҳозирча ҳаётман, севимли касбим бор, кимнидир сева оламан, демак, мен — бахтиёр одамман!" деб айтинг.

Унутманг, туннинг энг зулмат дақиқалари тонг отишидан бир фурсат аввал содир бўлар экан — ҳали ёруғ тонглар олдинда.

Янги марраларга ҳаракат қилинг

Янги марраларга яқинлашиш учун ўзгариш керак. Ўзгаришни хоҳламаган одам заифликка дучор бўлади. "Ҳаёт, бу — яшаш дегани. Яшаётган киши ўзгаришга тайёр туриши лозим", — дейди файласуф Гёте.

Ўрганишдан тўхтаманг

Илм инсонга билим, яъни қудрат беради. Ўқишдан тўхтаманг. "Кўп ўқигани боис дунё уники эди", дейди адиб Бетти Смит бахтиёр қаҳрамонларидан бирига изоҳ берад экан. Китоб одамларга хато қилиб, афсус чекиб

юрмасликларни учун тўхфа этилган экан.

Унутманг, яхши китобларни ўқиш — дунёнинг энг доно кишиларининг суҳбатида бўлиш демак.

Сиз ҳар куни 2 соатлик вақтингизни ўз қизиқишингизга, соҳангизга оид китобларни ўқишга сарфласангиз, бир йил ичида бу соҳада ҳеч ким сизнинг олдингизга туша олмайди.

Билим — муваффақиятнинг ибтидоси. "Таълим — муваффақият ва омаднинг безаги, ночорликдаги ишончли паноҳдир", дейди Арасту.

Ҳаётдаги ютуқ эришилган муваффақият билан эмас, бой берилган имкониятлар билан ўлчанади. Сабаби, омадсизлик моҳиятан тажриба ва билимнинг асоси. Омадсизлик "сен омадсизсан" эмас, аксинча, "омадинг ҳали олдинда" дегани. Боиси, бизни муваффақиятсизлик билан синаган ҳаёт аслида бизни тайёрлаётган бўлади.

Хўш, нега муваффақият омадсизлик билан бошланар экан? Боиси, ҳаётда ғолиб бўлиб яшаш учун инсон доимо билим-тажрибага эҳтиёж сезади. Тажриба эса биз рўбарў келаётган машаққатларнинг натижаси.

МАҲАТМА ГАНДИНИНГ ФИКРИЧА, МУНОСИБ УМР КЕЧИРИШ УЧУН ҲАР БИР ИНСОНДА ҚУЙИДАГИ БЕШ ФАЗИЛАТ БЎЛИШИ ЗАРУР



Ўзгармоқлик

"Сен дунёни қандай кўришни хоҳласанг, шунга кўра, аввало ўзинг ўзгар".

Саволни тўғри бермоқлик

"Саволнинг кучи шундаки, у инсон камолотининг негизидир".

Мунтазам ҳаракатда бўлмоқлик

"Бизни мунтазам ҳаракатта ундовчи ички туртки мавжуд. Бу — қизиқувчанликдир. Натижани ёки ўз имкониятимизни билишга бўлган қизиқиш. Биргина кичик қалам улкан режани амалга ошириши ва сиз биринчи қадамни ҳозирроқ ташлашингиз мумкин".

Кечиримли бўлиш

"Ожизлар кечирини билишмайди. Кечира олиш — кучлиларга хос фазилат. Кечиримлилик — руҳий камолот белгиси".

Эътиқодни мустаҳкамламоқлик

"Сизнинг эътиқодингиз — сиздаги ўй-хаёлларнинг пойдеворидир. Сиз гапирётган гап — кечинмаларнинг меваси ва мавриди келиб, бу сўзлар мунтазам ҳаракатга, ҳаракатимиз доимий одатга айланади. Бизнинг кадр-қимматимиз одатларимизга кўра белгиланади. Кадр-қимматимиз эса тақдиримизга айланади".

Шўҳрат САТТОРОВ

САМАРАДОР ВА ИСТИҚБОЛЛИ 7 ЛОЙИХА



"Ўзтрансгаз" АЖ томонидан соҳада инновацион технологияларни қўллаш борасида салмоқли қадамлар ташланди



"Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти жорий йилда ўзининг ривожланиш йўлини янгидан белгилаб, изчиллик, фаоллик ва самарадорлик сари юз тутди.

"Қибрайтумангаз" идораси автомашиналари GPRS тизими орқали кузатилади. Истеъмолчиларнинг табиий газ истеъмоли ҳажми онлайн назоратга олиниб, қарздорлиги мавжуд хонадонлар масофадан туриб тармоқдан ўчирилади ҳамда тўловларни амалга оширган истеъмолчилар тармоққа қайта уланади.

Президентимиз илгари сурган "Халқ давлат идоралари ҳалққа хизмат қилиши керак" деган ғоя асосида тизимда инновация, "ноу-хау"ларни татбиқ этиш, модернизациялаш, халқро ҳамкорликни кучайтириш жараёнлари изчиллик билан амалга ошириляпти. Тизимда энг самардор ва истиқболли етти инновацион лойиҳани жорий этишга киришилган.

Биринчи лойиҳа — газ транспорти тизимида диспетчерлик бошқарув ва маълумотлар йиғинининг автоматлаштириш (SCADA — Supervisory Control And Data Acquisition) дастури. SCADA дастури ижроси газ транспорти тизимида маълумотларни реал вақтда қабул қилиш, қайта ишлаш, технологик жараёнларни мантиқий бошқариш, маълумотларни диспетчерлик бошқарувида автоматик равишда узатиш, магистрал газ қувурларида содир бўлган авария ҳолатлари буйича реал вақт шароитларида хабардор қилиш имконини беради.

Иккинчи лойиҳа — табиий газ ишлаб чиқарувчи корхоналардан то истеъмолчигача бўлган ҳисоб ва назоратнинг 5 босқичли автоматлашган тизими (АСКУГ) бўлиб, бу тизим ҳозир амалда. Унда ишлаб чиқарувчи корхоналар ва магистрал газ қувурлари бошқармаларининг бўлиниш чегараларида замонавий электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатилиб, диспетчерлик бошқаруви тизимга уланади; газ тақсимлаш станциялари ва виллоят газ филиалларининг юқори босимли газ қувурлари чегарасига замонавий электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатилиб, маълумотлар онлайн тартибда диспетчерлик хизматларида узатилади; туманлараро чегараларга замонавий электрон газ ҳисоблагичларини ўрнатиш, ҳар бир туман ва шаҳарга кириб келадиган газнинг аниқ ҳисобини белгилаш жараёнларидан иборат. Ҳозирда бўлиниш чегараларида ўрнатилган электрон газ ҳисоблагичларига замонавий электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатилади ҳамда йирик саноат корхоналарига замонавий электрон газ ҳисоблагичлар ягона "Биллинг" тизимга уланади. Ишлаб чиқаришда инсон омили иштироки камаяди.

Учинчи лойиҳада компрессор станцияларидаги газ ҳайдаш агрегатлари двигателларидан ажралиб чиқадиган иссиқлик энергиясидан электр энергиясини ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ушбу инновацион лойиҳа буйича Италиянинг TURBODEN компанияси билан ҳамкорликда Андижон виллоятидаги "Хўжаобод" ер ости газ сақлаш омборларининг газ ҳайдаш агрегатларида амалий ишлар бошлаб юборилган. Бунда газ турбинали компрессор станциясида табиий газнинг ёқилишидан ҳосил бўладиган кўп миқдордаги иссиқлик энергиясидан соатига 1,0 МВт. ёки йилига 3,0 млн. кВт. соат электр энергиясини ишлаб чиқаришга эришилади. Ушбу технологиянинг яна бир афзаллиги шунда-ки, унда сув ўрнига паст ҳароратли суюқлик ишлатилади ҳамда ишлаб чиқариш жараёнлари учун деярли текин электр энергиясидан фойдаланилади. "Ўзтрансгаз" АЖ томонидан ушбу инновацион лойиҳани 2025 йилга қадар яна тўртта объектда татбиқ этиш ва йиллик электр энергияси ишлаб чиқаришни 200 млн. кВт/соатга етказиш режалаштирилган.

Тўртинчи лойиҳа буйича газ транспорти тизими ишончлилигини ошириш мақсадида ҳозирда замонавий инновацион диагностика қурилмаларга эга бўлган учувчисиз бошқариладиган аппаратлар харид қилинаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бу аппаратлар ёрдамида магистрал газ тармоқларини техник талаблар асосида ўз вақтида сифатли қўриқдан ўтказиш, улардаги нуқсонли участкаларни белгилаш, магистрал газ қувурлари ҳимоя

зоналарида ноқонуний қурилмаларни аниқлаш имкони яратилади. Аҳамиятлиси, соҳада қўриқдан ўтказишга масъул ходимлар иши янада енгилашади. Шунингдек, компрессор станциялари, газ тақсимлаш станциялари ва бошқа объектларнинг техник ҳолатлари қўриқдан ўтказилади, ноқонуний уланешлар аниқланиб, бартараф этиш самарадорлиги ошади.

Бешинчи лойиҳада газ тақсимлаш станцияларида табиий газни одаризация (одарант — газга ҳид бериш учун қўшилидиган модда) қилишни автоматлаштириш кўзда тутилган. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши натижада табиий газ етарли миқдорда белгиланган метёр доирасида одаризация қилинади ва газнинг сизиб чиқиш ҳолатларида инсонлар қурилма ёрдамида тезда огоҳлантирилади. Маълумки, табиий газ аслида ҳидсиз бўлиб, ундан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш мақсадида белгиланган метёр буйича 1000 куб.м табиий газ ҳажми учун 16 гр. одарант қўшилади. Тизимнинг автоматлаштирилиши иш жараёнларида

ий газ билан таъминловчи ўрта босимли бта газ тақсимлаш пунктлари олиб ташланиб, фақат битта юқори босимли газ тақсимлаш пункти қолдирилади. Ушбу газ тақсимлаш пунктига автоматлаштирилган диспетчерлик назорат тизими ўрнатилиб, "Қибрайтумангаз" диспетчерлик хизматида маҳаллага қираётган табиий газ босими, ҳарорати тўғрисида онлайн тартибда маълумот бериб берилмоқда. Шунингдек, газ тақсимлаш пункти фаолиятига таъшиқ аралашув бўлганда, диспетчерлик хизматида хабар берилади. Тақсимлаш пунктига ўрнатилган замонавий электрон саноат газ ҳисоблагичи орқали маҳаллага кириб келадиган табиий газ ҳажми ҳақида диспетчерлик хизматида онлайн маълумот бериб берилмоқда.

Еттинчи лойиҳа суолтирилган газ таъминотида янги инновацион тўлов тартибини жорий этишдан иборат. Ҳозир республикамизда жами 3,1 млн. истеъмолчига суолтирилган газ етказиб берилмоқда. Айрим ҳолларда аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўладиган муаммоларни бартараф этиш мақсадида



хавфсизликни таъминлаб, импорт қилинадиган маҳсулотнинг тежашга имкон беради.

Олтинчи лойиҳа юзасидан ҳам газ тармоқларини инновацион лойиҳалар асосида модернизация ва реконструкция қилиш ишлари олиб берилмоқда. Бу лойиҳа АСКУГ тизимининг бир бўлаги бўлиб, бунда газ тақсимоти тизимидаги жараёнлар назорати автоматлаштирилиб, аҳоли хонадонларидаги табиий газ босими бўлиниш чегарасига замонавий муаммоларга барҳам берилади. Ушбу инновацион лойиҳа Қибрай туманидаги Усмон Юсупов, Юқори Чирчиқ туманидаги "Шижоат", Самарқанд шаҳридаги "Аҳилик", Жиззах шаҳридаги "Раваллик" ва "Учарик" маҳаллаларда амалга оширилмоқда. Мисол учун, Қибрай тумани, Усмон Юсупов маҳалласида истеъмолчиларни таби-

аҳолига суолтирилган газ етказиб беришни автоматлаштирилган тизими жорий этиляпти. Бунда ҳар бир истеъмолчи ҳисоб-китоб учун индивидуал электрон карта билан таъминланиб махсус дастурга уланади. Бу — истеъмолчига етказиб берилган суолтирилган газ ҳажми, муддати ва ҳисобини масофадан туриб қўриш имконини беради, газ етказилишида доимий назоратни таъминлайди. Сайхунбод туманида тажриба сифатида 2018 йил якунигача амалга оширилиши белгиланган бу лойиҳа келгусида республика бўйлаб жорий этилиши кўзда тутилган.


Лаълихон СОБИРОВА,
"Ўзтрансгаз" АЖ
ахборот хизмати раҳбар 1,
Усмонжон ЙЎДДОНЕ 1,
"Xabar" мухбири

КИБЕРМАКОН:

"ОҚЛАР" ВА "ҚОРАЛАР" ЖАНГИ

◀ 1-бет.

“Хўш, турли мамлакатлардаги кибер-жиноятчилар ўртасидаги фарқ нимада? Улар турли услубга эгами? Бу нимани англатади? Фарқ шундаки, янги вируслар ишлаб чиқадиган, "қурбонлар"нинг янги турларини ўйлаб топадиган яратувчи-хакерлар бор.



Келинг, фарз қилиб кўрамиз: бир ҳолатда Bank of America банкини бузишди ва ҳисобидаги триллион долларни ўғирлашди, иккинчи ҳолатда эса жисмоний шахс ҳисобидан ўн долларни ечиб олишди. Хўш, бу икки ҳолатдаги қайси жиноятчилик кўпроқ аҳамиятга эга — йириғими ёки майда? Оддий одамлар, албатта, йириғи-да, дейишлари мумкин. Аммо, киберхавфсизлик нуқтаи назаридан ҳар иккиси ҳам аҳамиятлидир. Чунки турли жиноятчи гуруҳлар кибермаконда турфа ихтисослашувларга эга. Баъзилар кенг масштабда ишлайди: улар йилга бир марта ҳаракат қиладилар, лекин жуда катта қўламда. Бошқаларига эса рақамли оламда майда жиноятлар қизиқ — улар асосан оддий фуқароларни нишонга олишади. Шунинг учун киберхавфсизликнинг вазифаси, у ёки бу гуруҳнинг кибермакондаги ҳаракатидан қатъи назар, кибержиноятчиликка қарши туриш, улар билан самарали кураш олиб боришдир.

Пул ювишдан сиёсатгача

Киберхавфсизлик соҳаси мутахассислари олдида турган жиддий муаммолардан бири шунда-ки, сўнгги ўн йиллардан бери кибержиноятчилар қуролланган уюшган жиноятчилар билан боғлиқ ҳолда ҳаракат қилмоқда. Масалан, ҳозирда интернет-банкнинг орқали пул ўтказиш кенг тарқалган. Бунинг учун хакер қурилмага вирус билан зарар етказиши. Аммо бундан кейин у ўғирланган пуллари ўзлаштириб олиши керак, яъни пул ювиш операцияси бошланади. Пул ювиш эса ўз-ўзидан уюшган жиноятчиликка ихтисослашгандир.

Бир пайтлар фақат моддий бойлик орттириш мақсадидаги хакерлар бугун глобал миқёсдаги сиёсий жараёнларга ҳам аралашиб қолмоқда ёки улардан шу мақсадда кенг фойдаланишяпти. Кучли давлатлар ўз сиёсий манфаатлари йўлида айнан кибермаконни танлашяпти: бир-бирининг давлат аҳамиятига молик йирик компаниялари компьютерларини ишдан чиқариш, махфий маълумотларни ўғирлашга уринишлар, давлат раҳ-

барлари ёки сиёсий элиталар шахсий почта ёзишмаларини ўғирлаш ёхуд телефон суҳбатларини тинглаш, сайлов жараёнларига аралашиб қабилар оммавий тус оляпти. Ва бу жараёнларда мутахассислар рус хакерларини кибермакондаги биринчи рақамли жиноятчилар сифатида баҳолашмоқда. Ҳақиқатан шундайми? "Руслар" эмас, "рус тилида сўзлашувчилар" десак тўғрироқ бўлади, — дейди бу фикрга муносабат билдираркан россиялик АТ-хавфсизлик эксперти Сачков. — Чунки "рус хакерлари" "Россия фуқаролари" дегани эмас. Европол статистикасига кўра, мукамал ишлаб чиқилган вирусларнинг 3/4 қисми рус тилида сўзлашувчи хакерлар ҳиссасига тўғри келади. Бунинг сабаблари қўп, биринчиси, Совет иттифоқи парчаланиб кетганидан сўнг, юқори билимга эга бўлган қўплад иқтидорли кишилар ишсиз қолиши ёки ўзларига мос иш топа олмадилар. Оилани эса боқиб керак. Интернет тараққиёти бундай инсонларга қўл келди. Ҳатто, киберхавфсизлик мутахассислари орасида, биласизми, французлар шампан винолари билан машғур, русий забонлар эса — ўз хакерлари билан, деган ибора ҳам пайдо бўлди.

Ижодкорлар ва амалиётчилар

Хўш, турли мамлакатлардаги кибержиноятчилар ўртасидаги фарқ нимада? Улар турли услубга эгами? Бу нимани англатади? Фарқ шундаки, янги вируслар ишлаб чиқадиган, "қурбонлар"нинг янги турларини ўйлаб топадиган яратувчи-хакерлар бор. Масалан, рус тилида сўзлашувчилар — яратувчилар. Бошқалари, қондага кўра, улар яратган вируслардан фойдаланадилар ва аксар ҳолларда яратувчилардан кўра кўпроқ муваффақиятли амалга оширишади. Шу боис мутахассислар иккита асосий турни ажратиб кўрсатишадилар: вирус ижодкорлари ва уни амалда қўлловчилар. Тўғри, яна бошқа қўплад техник мутахассисликлар ҳам мавжуд. Лекин уларнинг барчаси вирус ишлаб чиқишга ва ҳаракатга туширишга йўналтирилади. Бундан ташқари, бутун-

ги кунда қўплад халқаро гуруҳлар — рус, америкалик, хитойлик хакерлар ҳамжihatликда иш кўришади. Шу ўринда савол туғилади: нима, соф америкалик хакерлар йўқми? Бор, албатта. Чунки хакерлар ҳам оддий жиноятчи, жиноятчи эса ҳамма давлатда бор. Бу ерда, мутахассисларнинг фикрича, хакерларни "оқлар" ва "қоралар"га ажратиб керак "оқлар"и компанияларда киберхавфсизлик бўйича ишлашади, "қоралар"и эса жиноятчилар. Масалан, АҚШда йирик хакерлик конференцияси Black Hat доимий тарзда ўтказилиб турилади ва маърузачилар рўйхатига назар ташланса, улар орасида қўплад америкаликларни учратиш мумкин.

Хакер — бу жиноятчи

Жамиятда хакерлар ҳақида ҳамон романтик фикрлар мавжуд: улар "ботаниклар", ёш генийлар ёки тизимли курашчилар. Бир қарашда бу фикрларда жон бордек. Ахир, кучли ақл эгалари томонидан ишлаб чиқилган хавфсизлик тизимини бузиш учун ҳам анча-мунча ақл керак-да. Аслида шу тўғрими? Таҳлиллар шунини кўрсатади-ки, йиғирма йил аввал хакерлар орасида ана шундай юқори тафаккур эгалари бўлган. Аммо, бугунги кунда, агар кимдир банк ҳисобидаги пулингизни ўғирласа — бу оддий жиноятчи. Техника тараққиёти даврида бундай жиноятга қўл уруш учун гений бўлиш шартмас. Бундай жиноятчилар ичида "ботаниклар" ҳам учраб туради, лекин жуда кам. Ҳамма гап ўша иқтидорни нимага сарфлашда. Ахир айтишадилар-ку, пичоқ билан овқат ҳам қилиш мумкин, қотиллик ҳам.

Кибержиноятчилик глобал тус олган экан, унга қарши ҳам глобал тарзда курашиш керак. Бироқ сўнгги пайтлардаги турли давлатларaro зиддиятлар, сиёсий, иқтисодий қарама-қаршиликлар бу соҳа ривожига ҳам соя солмоқда. Масалан, Россиянинг Digital Security компанияси АҚШнинг санкциялар рўйхатига киритилди. Касперский лабораторияси эса Америка бозоридаги салмоқли ҳиссасидан маҳрум бўлди ва унга Европа бозоридан ҳам чиқиб кетиш хавф солиб турибди, сабаби, қатор давлатлар Россия киберхавфсизлиги-

дан чўчимоқда. Бу ҳолатлар албатта кибермакондаги жиноятларнинг урчишига олиб келади.

Ҳар бир мамлакатда АҚШнинг Федерал Қидирув Бюросига ўқаш кибержиноятчилик билан курашувчи тузилмалар бор. Аммо уларда кадрлар билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Давлатлар киберхавфсизлик тузилмалари ҳукумат учун ишлашга ва барча тегишли қондаларга амал қилишга тайёр бўлган иқтидорли мутахассисларга муҳтождир. Ҳукуматлар кибержиноятчиларга қарши курашиш учун ҳаракатларни давом эттирмоқда, аммо асосий муаммо шунда-ки, бу ишга истеъодли кадрларни жалб қилиш қийин кечаяпти.

АҚШдан янги стратегия

АҚШ Президенти Доналд Трамп ўтган ҳафта, яъни 20 сентябрда киберхавфсизлик соҳасида Қўшма Штатларнинг янги стратегиясини тасдиқлади. Бу мамлакат киберхавфсизлик стратегиясидаги сўнгги 15 йилдаги илк янгиланиш бўлди.

Хужжатда Россия, Хитой, Эрон ва КХДРнинг кибермакондаги гумон қилинаётган душманона хат-ҳаракатлари алоҳида қайд этилган. "Янги стратегияда таъкидланганидек, ушбу муаммоларни бартараф этиш ва киберхавфсизликнинг таъминлаш учун технологияларни такомиллаштириш, замонавий технологиялар соҳасининг тараққиёти ва ахборот технологиялари ҳамжамияти вакиллари орасида самарадорликни ошириш талаб этилади. Стратегия федерал ҳукуматдан барча америкаликлар учун кибермаконда хавфсизлик ҳолатини узлуксиз яхшилаш учун чоралар кўришни қўзда тутати", — дейди АҚШ президентининг миллий хавфсизлик бўйича ўринбосари Жон Болтон. Унинг таъкидича, янги стратегия Барак Обаманинг собиқ маъмурияти томонидан АҚШга нисбатан киберхуруж вақтида жавоб зарбаларига қўйилган чекловларни бекор қилгани билан аҳамиятлидир.

Усмоилов Йўлдошев,
"Xabar" мухбири

БОРИНГИЗГА ШУКР, УСТОЗЛАР!

Дастлаб ишга кирган кунда дўсту биродарлари маошини суриштиришди. Шунча... Улар бўлса, ҳадемай уйланасан, бу ойлик билан рўзгорни тебратиб олмайсан-ку, дейишди. Рост, бироз иккиланиб юрди. Лекин устозларининг, қаерда бўлса ҳам ҳалол ишласанг, қалр-қимматинг ошаверади қабилидаги ўнгитлари уни тўхтатиб қолди.

Темир-бетон симёғочга чиқиш, қўланса ҳидли қудуқларда нафас олиш... бу машаққатларни енгиб ўта олмайдиғандек ўзини нотовон ҳис этган дамлари кўп бўлди. Бу синовлар — устозларга қулоқ тутгани, уларни эҳтиромлай олгани туфайли бари-бари ортда қолди. Уларни кузатиш, койишларини тўғри қабул қилишигина уни меҳнатсеварлик дунёсининг равои йўлларида олиб чиқди. Зотан, кейинроқ электромонтёрлик кўникмасини ололмай ишни тарк этганларни ўзи ҳам кўрди. Шошқалоқлик, мулоҳазасизлик, сабрсизлик... таъбир жоиз бўлса, бу “касаллик”лардан ҳалос бўлиш ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди. Бинобарин, устозларсиз, яъни уларнинг ҳаётий намуналарисиз бирор касбни эгаллаш, шарафлаш мушкул. Ҳар мақомга йўргаламас-

лик учун ҳам, умр беҳуда ўтиб кетмаслиги учун ҳам отангдек азиз устозларга эргашмоқ керак.

Устозларнинг, эҳтиёт бўл, тойилма, кўзингга қара, ҳаёлингнинг қайси кўчасидасан каби қаттиқ-қуруқ йўл-йўриқларига, меҳнатининг заҳматларига сабр қилгани мукофотига ҳам эриштирар экан. Мана, икки йилдан ортди электромонтёрларнинг ойлик иш ҳақлари ҳам, эларо ҳурматлари ҳам шунга монанд ошгандан ошиб борапти. Абдурашид-жон Ҳакимовнинг сабрларининг мукофотлари кўпайгандан кўпаймоқда. “Ўзбектелеком” АК Фаргона филиали Чимён қишлоғидаги 352-АТС кабел хизмати электромонтёри узоқ йиллик самарали меҳнатлари учун шу йил 7 май — Алоқачилар куни муносабати билан “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлгани ҳам ана шу САБР аталмиш хислатга берилган энг чиройли баҳодир.

Эҳтимол, бу рағбатлар ҳам устозлари Тўхтасин ака Мадатов ҳамда Жўрабек ака Абдусаматовларнинг дуолари шарофатидандир.
Ҳафиза САЛЯХОВА,
“Хабар”нинг Фаргона вилоятидаги мухбири

КАФЕРДА АССИСТЕНТИ “ИСТЕЪДОД” ЖАМҒАРМАСИ СТИПЕНДИАНТИ

ТАТУ Самарқанд филиалида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда “Истеъдод” жамғармаси томонидан чет элда малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва PhD дастурлари асосида таълим олишга юбориш бўйича танлов ўтказилди.

Танловда филиалнинг “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси ассистенти Ҳотам Мирзоқулов стажировка йўналиши бўйича қатнашиб, билим ва тажрибаси юқори даражада эканлигини намойиш қилди ва жамғарма стипендиясига сазовор бўлди. Энди у ўзининг билими ва малакасини ошириш ҳамда Россия университетларининг ўқитиш услубини



Суратда: “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси мудири, доцент Х.ЖУМАНОВ (ўртада), кафедра доценти А.САЛОҲИТДИНОВ (ўнгда) ҳамда танлов ғолиби кафедра ассистенти Ҳ.МИРЗОҚУЛОВ.

ўрганиш мақсадида шу йилнинг октябрида Россия технологик университетида стажировка ўташ учун жўнаб кетади.

Таъкидлаш жоизки, ТАТУ Самарқанд филиали дунёнинг нуфузли етакчи

университетлари, жумладан, Россия технологик университети билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатган.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали матбуот котиби

Реклама ва эълонлар

ҚУТЛОВ!

САНА

**“UNICON.UZ” ДУК
ЖАМОАСИ**

Юртимизда меҳнат қилаётган
барча устозу мураббийларни
касб байрамлари билан муборакбод этади.



Ўқитувчилар куни: қаерга, қачон?

Мамлакатимизда 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умум-халқ байрами сифатида нишонланади. Ушбу байрам бошқа давлатларда қай тарзда нишонланишини биласизми? Айтиб ўтиш керакки, бу байрам ўзга давлатларда турли сана ва кўринишларда нишонланади. Ҳатто, шундай давлатлар борки, у ерларда ўқитувчилар куни умуман нишонланмайди ёки устозлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгилаб қўйилган билимлар кунига табриклаб ўтилади.

Қозоғистонда — ўқитувчиларнинг касб байрами октябрнинг илк якшанбасида нишонланади. Шу куни ўқитувчиларни гул ва ширинликлар билан қутлашади. Худди шундай Грузия, Арманистон, Украина ва Молдовада ҳам октябрнинг биринчи якшанбаси мураббийлар куни сифатида нишонланар экан.

Россияда — ўқитувчилар байрами 1994 йил 3 октябрдаги қарорга мувофиқ ҳар йили 5 октябрда нишонланади.

Озарбайжонда эса 20 сентябр Мураббийлар кунидир. Ушбу санада барча ўқитувчилар мактабда уюштирилган байрам тадбири меҳмони бўлади.

Хитойда — 1989 йилдан буён 10 сентябр ўқитувчилар куни сифати-



да нишонланади. Нимага айнан 10 сентябр дейсизми? Сабаби, худди шу куни ХХР Кенгаши маданий инқилоб вақтида йўқотилган интеллектуал меҳнат кучларини ўқув даргоҳларига қайтариш мақсадида қарор қабул қилган.

Японияда — Ўқитувчилар куни 1951 йилгача диний байрам сифатида нишонланиб, баҳор ойида ўтказилган. Кейинчалик 4 май Устозлар куни деб эълон қилинган.

Ҳиндистонда — Мураббийлар куни ёзнинг бошида уч кун давом этади.

Туркияда — 6 март Ўқитувчилар куни сифатида Мустафо Камол Отатур томонидан белгиланган.

Индонезия, Бразилия, Куба, Америк, Уругвай, Чили ва бошқа бир нечта мамлакатларда 8 сентябр БМТ томонидан Ўқитувчилар куни дея эълон қилинган.

Эътиборли томони шундаки, ҳеч бир давлатда ўқитувчилар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланмас экан, фақатгина бизнинг мамлакатимизда устозлар байрами юксак даражада ўтказилади.



РАҚАМЛИ ЖАМИЯТ

МОСКВАДА ЯНГИ IPHONEGA НАВБАТ
250 МИНГ РУБЛГА СОТИЛМОҚДА

Русийзабон Avito интернет-эълонлар майдончасида "Сиз учун янги iPhoneга навбатга туриб бераман" мазмунидagi эълонлар пайдо бўлган. Хизмат ҳақи чакана эмас: кимдир 100 минг, айримлар 250 минг рублгача сўраган, бу ўша янги смартфон нархидан икки баравар юқори.

Ўтган йили Москвада янги iPhoneга навбатда турган биринчи одам ўз ўрнини 300 минг рублга сотганди.



ХАВФСИЗЛИК

ЖОСУС АНТИВИРУС ЯРАТГАН
ЛАТВИЯЛИК 14 ЙИЛГА ҚАМАЛДИ

Латвиялик резидент, Scan4you жосус антивирусини ишлаб чиққан Русланс Бондерс АҚШ суди томонидан 14 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Scan4you зарарли дастурий таъминот, яъни вирусларни топишга мўлжалланган, бироқ кейинчалик у АҚШ ҳудудидаги дўконлардан шахсий маълумотлар, хусусан, тўлов карталарининг рақамларини ўғирлашда қўлланган.

Маълум қилинишича, биргина чакана савдо дўконининг ўзи Scan4youдан 292 миллион доллар зарар кўрган.

— Бондерснинг дастурий таъминоти Америка бизнесига ҳужум қуролига айланди, — дейилади АҚШ Адлия вазирлиги баёнотида.



ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР

INSTAGRAM ЕТАКЧИЛАРИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚИШДИ



Instagram бош директори Кевин Систром ҳамда ижтимоий тармоқнинг техник бош директори Майк Кригер истеъфого чиқишини маълум қилди.

Систром ва Кригер 25 сентябр кuni Instagram ва Facebook ижтимоий тармоқлари ижодий гуруҳига истеъфого чиқишларини маълум қилишган. Бу қарорнинг сабаблари ошкор қилинмапти.

Систром ва Кригер Instagramга 2010 йилда асос солишган. 2012 йилда Facebook тармоқни 1 млрд. долларга сотиб олган эди.

НАВИГАЦИЯ

ХИТОЙДА КВАНТ РАДАР ЯРАТИЛДИ

Хитой олимлари квант радар яратишди, у узок масофадаги ҳаво нишонларини аниқлай олади.

Нанкин университети томонидан яратилган радар 100 километрдан ҳам узокдаги нишонларни аниқлайди ва кузата олади. Бу турдаги техникаларнинг аввалги авлоди билан таққослаганда, янги радар "стелс" технологияси бўйича яратилган объектларни катта аниқликда аниқлаш ва кузатиш қобилиятига эга.



ИХТИРО

ЎЗИ ЙИГИЛУВЧИ РУБИК
КУБИГИ ТАҚДИМ ҚИЛИНДИ

Япон муҳандиси ўзи мустақил равишда йиғилувчи Рубик кубигини тақдим қилди.

Кубикнинг негизда қурилманинг айланивчи сегментлари, моторли механизм, ўқлар бўйича бурилиш микроконтроллёрлари ва аккумулятор ётади. Муҳандис қурилманинг техник кўрсаткичларини ошкор қилмаган: кубик у ёки бу рангдаги сегментнинг бурилишини қандай билиши, уларнинг жойлашган ўрнини ўчиқ ҳолда англаши ва автоматик йиғишнинг максимал тезлиги қандайлиги номаълум.

Аввалроқ ҳам ушбу муҳандис автоматик йиғилувчи Рубик кубигини тақдим қилган, бироқ у жуда секин ишлаган ва унинг ишлаши учун сегментлар айланишини қайд қилишга мўлжалланган ташқи осциллограф зарур бўлган.

Яқинда америкалик муҳандислар Рубик кубигини 0,38 сонияда йиғи олган роботни тақдим қилишганди. Муҳандислар бу робот кубикнинг мотори кучлироғига алмаштирилса, уни янада тезроқ йиғи олишини таъкидлаб ўтишган.



ИЛОВАЛАР

MICROSOFT КОМПАНИЯСИ
OFFICE 2019НИ ТАҚДИМ ЭТДИ

Microsoft компанияси Office 2019 офис дастурлари пакетини тақдим этди. Пакет Windows ва Mac амалий тизимлари учун кўзланган. Пакет ҳар ойда янгиланадиган Office 365 хизматига ўтмаган ташкилотлар ва индивидуал фойдаланувчиларга мўлжалланган.

Янги пакетга Word, Excel, PowerPoint, Outlook, Project, Visio, Access ва Publisher дастурларининг янгиланган талқинлари кирган.

Экспертларнинг таъкидлашича, Office 2019 компания дастурчилари томонидан сўнгги уч йил ичида Office 365га қўшилган деярли барча янгиланишларни ўз ичига олган.



ЎЙИНЛАР

АҚШ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИНИ
ГЕЙМЕРЛАР БИЛАН ТЎЛДИРМОҚЧИ

АҚШ Қуролли кучлари бу йил ўз сафларини тўлдирishга қийналяпти. Муаммонинг ечими сифатида эса ОАВ ва ижтимоий тармоқларда, шунингдек, ўйинлар индустриясида реклама кампаниясини бошламоқчи.

Хабарларга кўра, армия сафларига ёшларни айнан киберспорт талбирлари иштирокчилари орасидан излашмоқчи. Жумладан, шутерлар ишқибозлари Counter-Strike мусобақаларидаёқ қуролли кучлар сафларига ёзилишлари мумкин бўлади.

Шу кунларда АҚШ армияси вакилларининг эълон қилган ҳисоботида кўра, қуролли кучлар сафининг тўлдрилиши бу йил рекорд даражада тушиб кетган. Охириги 13 йил давомида илк бора аскар ёллаш режаси бажарилмаган. Шу боис ҳам Facebook, Twitter, Instagram, Twitch ва бошқа ижтимоий тармоқларда ҳамда ўйинларда реклама бериш орқали сафларни тўлдирishга ҳаракат қилишмоқда. Аскарлар ўйин мусобақаларида ва кўргазмаларда расмий кийим-бошлар билан иштирок этишади — бу ҳам ёшларда армияга қизиқиш уйғотади.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади

АҚШ – Хитой: Савдо уруши авж олмоқда. Ким ғолиб бўлади?

Оқ Уй Қўшма Штатлар Хитойдан импорт қилинадиган товарлар учун божхона тўловлари ҳажмини оширмоқда – Хитойнинг 200 миллиард долларлик товарлари учун 10 фоизлик тариф жорий қилинади. Янгитдан қўлланаётган тарифлар сабабли бу икки давлат ўртасидаги савдога оид мунозара – савдо уруши янада авж олиши кўтиломоқда. АҚШ кўраётган чоралар 500 миллиард доллардан ортиқ Хитой товарларига дахл қилиши мумкин, лекин шу билан бирга, махсусотларини Хитой бозорида сотаётган америкалик фермерлар ва компаниялар ҳам зарардан четда қолмайди.

Шолчадан велосипедгача

Трамп маъмурияти 17 сентябрда 24 сентябрдан бошлаб Хитойнинг 200 миллиард долларлик товарларини солиққа тормоқчи эканини маълум қилди. Дастлаб 10 фоизлик тарифлар жорий этилиб, улар миқдори 2019 йилда 25 фоизга етди. Бож жорий этиладиган товарлар рўйхати жуда узун бўлиб, унда қамиш шолчадан тортиб, қўриқлаш сигналино велосипедгача бор. Рўйхатга киритилмаган товарлар ҳам эътиборга лойиқ. Дастлабки бож жорий қилинаётган 200 миллиард долларлик товарлар рўйхатидан велосипед дубулгалари билан болалар хавфсизлиги махсусотлари ўчириб ташланди. Улар қаторида оммабоп электрон ғалжетлар ҳам бор, чунки Apple ва Fitbit сингари АҚШ компаниялари фитнес-биллазузукларини ишлаб чиқариш занжирини кўп жиҳатдан Хитой билан боғлиқ.

Нега тарифлар жорий қилинмоқда?

Вашингтон узоқ вақтдан бери Хитойнинг ноҳили савдо амалиётидан шикоят қилиб келаётган эди. Пекиннинг “Хитойда ишлаб чиқарилган-2025” ривожланиш режаси АҚШ расмийларининг асабийлашларига сабаб бўлди. Ушбу ҳужжатда Хитой ахборот технологияси, робототехника, космик жондорлар, электр уловлар ва биофармацевтика каби соҳаларда ўз компанияларини яратиши кўзда тутилган. АҚШ ва бошқа чет эл компаниялари Пекиннинг уларни Хитой бозорида тийиб туриш ва ёки сиқиб чиқаришга уринаётганидан шикоят қилиб келади. АҚШ Савдо вақили идорасидан билдирилшича, Хитойнинг бу борадаги тактикаси ўз ички бозорига АҚШ ва бошқа чет эл компанияларини киритиш учун улардан технологияни “баҳам кўриш”ни талаб қилишдан тортиб очикдан-очик кибертаҳдидларини ҳам ўз ичига олади.

Хитойнинг жавоби

Янги тарифлар эълон қилинган, ордан кўп ўтмай, Хитой жавоб чораларини кўришини маълум қилди. Хитой Савдо вазирилик вақилининг айтишича, вазирилик “қонуний ҳуқуқ ва манфаатларни ҳамда халқаро эркин савдо тартибини ҳимоя қилмоқчи экан”ни айтди. Утган ойда Хитой АҚШнинг 60 миллиард долларлик товар-



лари, жумладан, суюлтирилган табиий газдан тортиб, айрим самолёт турларига бож жорий қилишини эълон қилди. Агар Вашингтон янги тарифларини жорий қиладиган бўлса, Пекин мавжуд тарифлар оширилишини билдирди. Аммо экспертларнинг айтишича, Пекиннинг тарифлардан Қўшма Штатларга қарши кураш сифатида фойдаланиш имконияти чекланган. Сабаби – оддий. Хитой АҚШга импорт қилаётганидан кўра кўпроқ товар экспорт қилади. Мэриленд штати университети профессори Питер Моричи эса, шу пайтгача Хитой Трампп қўллаётган тарифлардан кўп зиён кўрмаганини айтди. “Хитойнинг Трампп тарифларига жавоб қайтариш чоралари мавжуд. Пекин миллий пул бирлигини осонгина бозорга мослаши ва харажатларини ишлаб чиқарувчилар зиммасига юклаб қўя қолиши мумкин”, – дейди Моричи.

Тарифлар уруши Европани ҳам домига тортяпти

Савдо урушидан Американинг соя етиштирувчи фермерлари ва ишлаб чиқарувчилари энг кўп зарар кўрди. Қўшма Штатларнинг пировард махсусотда ишлатиладиган қисмларини ишлаб чиқарувчи компаниялари ҳам муаммоларга дуч келмоқда. Bank of

America Merrill Lynch иқтисодчилари Хитой билан Қўшма Штатлар ўртасидаги савдо уруши қанчалик кўп давом этса, АҚШ иқтисодиёти шунчалик кўп зарар кўриши мумкинлигидан огоҳлантирмоқда. Уларга кўра, савдо уруши таъминот занжирларига путур етказиш ва бизнес соҳасидаги ишончини ўлдириш иқтисодиётни кенг қамровли инқирозга олиб келиши мумкин. Икки мамлакат ўртасидаги савдо уруши таъсири бошқа жойларга ҳам ёйилмоқда. Европа савдо палатаси вақилининг билдиришича, икки давлатнинг ўзаро савдо уруши Европа компанияларига ва бутун дунёдаги таъминот занжирларига путур етказмоқда.

Ўз навбатида, Германия Ташқи ишлар вазири Хайко Маас Евроиттифоқ санкциялар сисёати бўйича қандай позицияда эканини маълум қилди. Унинг айтишича, Европа Иттифоқи санкциялар ва божлардан ташқи сисёат воситаси сифатида фойдаланишни маъқулламайди. “Халқаро муносабатларда таъзимлавий ўзгаришлар рўй бермоқда, барча томонлар халқаро муносабатларнинг биргаликда ишлаб чиқилган принципларини ҳимоя қилишлари керак. Евроиттифоқ учун ташқи сисёат воситаси сифатида санкциялар ва божлардан фойдаланиш маъқул эмас”, – деди Маас ХХР Ташқи ишлар вазири Ван И билан учрашув вақтида. Унинг қўшимча қилишича, Германия ва Хитойнинг позицияси эркин савдо, иқлим

ўзгариши ҳамда Эрон ядровий муаммоси бўйича бир-бирига ўхшашдир.

Энди нима бўлади?

Хитой Вашингтонга янги музокара ўтказиш учун делегация юборишни режалаштираётган эди, аммо Трамппнинг 267 миллиард долларлик Хитой товарларига қўшимча бож киритиш таҳдиди музокарани чиппака чиқариши мумкин. Аммо, Хитой ортга чекинишни истамаяпти – Американинг Хитойдаги савдо палатасига кўра, Пекин “режасини ўзгартириши даргумон” ва савдо жангига музокара йўли билан барҳам беришга интилмоқда. Хитойнинг хавфсизлик масалалари бўйича расмийси Моричи АҚШнинг Хитойга қарши савдо санкциялари иш бермаслигини, чунки Хитой муаммони ҳал этиш учун ишончли молиявий ва пул-кредит сисёати юритаётганини айтди. Унинг фикрича, Трамппнинг тарифлари Пекиннинг иқтисодиёти ва савдо сисёатини ўзгартира олмайди.

АҚШнинг ўзига ёмон...ми?

Расмий Пекин ушбу савдо урушида АҚШнинг ўзи кучли зарбага учрашини таъкидламоқда. Мамлакат тижорат вазири ўринбосари Ван Шоуээннинг маълум қилишича, оширилган божларнинг жорий этилиши Хитойга суюлтирилган табиий газ етказиб берувчи сифатида АҚШга сезиларли таъсир қилади. “АҚШ – Хитойга суюлтирилган табиий газ етказиб берувчи муҳим мамлакат, аммо Америка томонидан қабул қилинган чекланган савдо чоралари тўғрисида Хитой шунга ўхшаш чораларни кўришга мажбур бўлди. Албатта, бу Хитойга суюлтирилган табиий газ экспорти бозорида муҳим давлат бўлган АҚШга жиддий таъсир қилиши мумкин”, – дея айтиб ўтди Ван Шоуээн.

Унинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда Австралия ҳам Хитойга суюлтирилган табиий газни етказиб бераётган муҳим мамлакат бўлиб, унда келажакда яхши истиқболлар мавжуд. Оддий қилиб айтганда, Хитойга суюлтирилган газ экспорти бўйича АҚШ ўрнини Австралия эгаллаши мумкин.

Бундан ташқари, Хитой халқаро ҳуқуқ ҳамда эркин савдо тизимини Россия билан бирга ҳимоя қилишга бел боғлаган. “Ҳозирги халқаро вазиятда Россия ва Хитой стратегик алоқа ҳамда мувофиқлаштирувчи мустақамлашти, халқаро ҳуқуқ, эркин савдо тизимини қатъият билан ҳимоя қилиши лозим”, – дейди Ташқи ишлар вазири Ван И. Унинг таъкидлашича, томонлар бундан кейинги юқори даражадаги икки томонлама алмашинуви биргаликда режалаштириши керак.

Эрдўғон: БМТ жигдуу ислохотларга муҳтож

Инсониятнинг БМТ низоларни ҳал қила олишига ишончи йўқолди. Бу ҳақда Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдўғон БМТ Бош ассамблеясидаги нутқида айтиб ўтди. Унинг таъкидича, Яқин Шарқда ва Фаластинда давом этаётган ихтилофлар буни яна бир бор исботлайди. У БМТ жиддий ислохотларга эҳтиёж сезаётганини айтган. “Дунё БМТ Хавфсизлик кенгашининг беш нафар доимий аъзосига боғлиқ бўлмаслиги лозим, – деб қўшимча қилган Туркия етакчиси. – Инсоният хавфсизлиги учун дунёда тинчликни тиклаш лозим ва Туркия бунинг учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Айни вақтда Туркия ҳудудида 3,5 млн. суриялик муҳожир бор. Туркия уларни ўз маблағлари ҳисобига сақламоқда”, – қўшимча қилган Эрдўғон.

Туркменистонда “олтин аср” тугадими?

“Туркменистон иқтисодиётида эркин бозор муносабатларини ривожлантиришни давом эттириш ҳамда аҳоли учун электр энергияси, газ, уй-жой коммунал хизматлари нархини тартибга солиш мақсадида 2019 йил 1 январдан аҳолига электр энергия, газ, ичимлик суви ва ош тузини бепул тақдим қилиш бекор қилинади”, деб айтилган Президент Гурбангули Бердимухамедов имзолаган қарорда. Қарорда ушбу хизматларнинг аниқ нархи келтирилмаган, бироқ нархлар имтиёзли асосда белгиланиши таъкидлаб ўтилган. Маълум қилинишича, ҳукумат бу масала бўйича таклифларни тайёрлаб, президентга кўриб чиқиш учун тақдим қилиши керак.

Туркменистонда юқорида санаб ўтилган хизматлар аҳолига 1992 йилдан бепул тақдим қилиб келинган. Бу заҳиралар истеъмоли чекланган бўлиб, белгиланган миқдордан кўпроқ ишлатилган захи-



раларга рамзий нархлар бўйича тўлов амалга оширилган. 2003 йилда мамлакатнинг биринчи президенти Сапармурот Ниёзов имтиёзларнинг амал қилиш муддатини 2030 йилгача узайтирган, бироқ 2017 йилда амалдаги президент аҳоли даромадлари сезиларли ошгани сабабли ушбу хизматлар учун тўлов киритилишини қўлаб-қувватлаган.

Саҳифани У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

(Охири. Бошланиши ўтган сонда.)

Бирдан хотинимга анчадан бери қарамаганимни тушундим ва уни турмуш қурган пайтимиздаги каби ёш эмаслигини сездим. Юзига майда чизиклар тушган, сочлариға оқ оралаганди. Ўтган йиллар шунчаки ўтмаганди, шунда ўзимдан шунча вақт ичида унга нималар қилганимни сўрадим.

Тўртинчи кун уни кўтарганимда бир ишонч туйғусини ҳис этдим. Бу, менга ҳаётининг ўн йилини ҳади қилган аёл эди.

Бешинчи кун бу ишонч туйғуси янада юксалганди. Буни Жанага айтмадим. Кунлар ўтгани сайин уни кўтариш ҳам осонлашарди, балки бу тренажёрда шугулланганим сабаблидир. Бир тонг уни нима кийишини ўйлаб, қараб ўтирдим. Жаҳл қилиб, ҳар кунги кийимлари бироз катта келганини айтди. Бирдан уни қанчалик озганини, вазнини йўқотганини сездим. Демак, уни ҳар тонг осон кўтаришимнинг сабаби бу экан. Юзимга биров мушт туширгандай бўлди. Бунчалик азоб ва ҳасратни қалбиде олиб юрарди. Сезмаган ҳолда бошини силадим. Шу пайт ўғлимиз келди ва “дада, ойимни кўтаришингиз керак”, деди. Отаси онасини хонадан эшиккача кўтариши ҳаётининг бир бўлагига айланганди. Хотиним ўғлимизни ёнига қақирди ва маҳкам кучоқлади. Мен бошимни ўтирдим, охириги лаҳзада қароримдан воз кечишни истамасдим. Уни кучоғимга олдим ва ётоқ



эшигигача кўтариб бордим. Қўлини чаккамга қўйганди, мен уни маҳкам ушлаб олгандим. Худди турмуш қурган кунимиздаги каби. Энди хавотирлана бошлагандим, бунчалик озиб кетганига. Охириги кун уни кўтарганимда куч сарфламадим. Ўғлимиз мактабда эди ва хотинимга ҳаётимиздаги яқинлик камайганини айтди. Офиста кетдим ва эшикни қўлфламасдан машинадан тушдим, бунга вақт йўқ эди.

Ҳар лаҳза қароримни ўзгартиришдан қўрқардим ва зинадан юқори чиқдим, Жана эшикни очди. Унга хотинимдан ажрашолмаслигимни айтдим. Ҳайратланиб

қўлини пешонамга қўйди ва “иситманг борми?” деб сўради. “Афсусдаман Жана, лекин мен энди ажрашишни истайман”, дедим. Турмушимиз бефайзлиги севги етишмаслигидан эмас, бир-биримизнинг аҳамиятимизни унутганимиздан эди. Энди эсимга тушди, унга уйланган куним эшикдан кўтариб кирганимда, умримнинг охиригача унга садоқатли бўлишга қасам ичгандим.

Жана вазиятни англагач, юзимга бир тарсаки тушириб, эшикни ёпиб йиғлай кетди. Дарҳол пастга югуриб, биринчи учраган гулчидан хотинимга бир даста гул олдим, ичига

“Сени ҳар тонг ҳаётимнинг охиригача кўтараман” деб ёзиб солиб қўйдим. Уйга қайтганимда юзимни табасум қоплади, қўлимда гуллар билан ётоқхонага кирдим ва хотинимни ётоқда жонсиз ҳолда топдим...

Хотиним бир неча ойдан бери саратон билан курашаркан, мен Жанага бўлган қизиқишим боис буни сезмагандим. Кўп яшолмаслигини билгани учун ўғлимни менга қарши бўлиб қолишидан мени сақлашга уринган, ҳеч бўлмаса ўғлимнинг кўзида яхши турмуш ўртоқ сифатида қолишимни истеган экан”.

Туркчадан **Марям ОСИЁ** таржимаси

ҚИСҚА ҲИКОЯЛАР

Ҳамма нарсани ўқийвериш ярамайди, дилда туғилган саволларга жавоб бера оладиган китоблар-нигина ўқиш керак.

Лев ТОЛСТОЙ

КЕЧИРИМЛИ БЎЛИШ

— Авф этиш нима? — деб савол бердим.
— Минг йилдан сўнг хафагарчиликдан нима қолади? — сўради донишманд.
Мен кўнглимдаги гинанинг лойли девордек нураб, йўқ бўлиб кетишини ҳис этдим.
— Ахир нега ҳозир эмас? — сўради у.

ОНА, ҚИЗ ВА КЕЛИН

Бир онадан сўрадилар:
— Қизинг қандай яшайпти?
— У жуда ҳам бахтли. Ажойиб эри бор. Қизимга машина, беҳисоб тақинчоқ совға қилган. Хизматкор ёллаган. Қизим тушга яқин уйғонади, эри эса нонуштани ётоғига олиб келади.
— Ўғлингизнинг ишлари қандай?
— Эсиз ўғлим. Бир вайсақига уйланган. У нима хоҳласа муҳайё қилган: машина, тақинчоқлар, хизматкор. Эрка хотин эса тушгача тўшақда, ҳатто эрига нонушта тайёрлаш учун ўрнидан турмайди.

АЁЛНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

Ўғилчаси онасининг кўзлари ёшланганини кўриб, сўради:
— Нега йиғлаяпсиз?
— Чунки мен аёлман.
— Тушунмадим?
— Буни сен ҳеч қачон тушунмайсан, — деди она ўғилчасини кучиб.
Шунда ўғилча отасидан сўради:
— Нега оймим гоҳида ҳеч бир сабабсиз йиғлайди?
— Ҳамма аёллар сабабсиз йиғлайди, — жавоб берди отаси.

Бола улғайиб, эр йигит бўлди, лекин аёллар нима учун йиғлаши уни ҳамон ажаблантирарди. Охири у Худодан сўради ва шундай жавобни олди:

“Аёлни яратганда унинг мукаммал бўлишини истадим.

Унинг елкасини шунчалар кучли қилдим-ки, бутун дунёни кўтарсин дедим, шу билан бирга, гудак бош қўйганида мулоим бўлсин деб, нозик ҳам қилдим.

Тутруққа бардош бериши ва барча оғриқларга чидаши учун унга кучли руҳ ато этдим.

Унга шунчалар букилмас ирода бердим-ки, бошқалар юролмай, йиқилиб қолганда олдинга интилсин, ҳеч зорланмай, ҳалок бўлганлар, толиққанлар ва бетоблар учун қайғурсин дедим.

Ҳар қандай ҳолатда, ҳатто хафа қилганда ҳам, болаларини яхши кўриши учун унга меҳр бердим. Эрининг камчилиги бўлган тақдирда ҳам уни қўллаб-қувватлаши учун аёлга куч бердим.

Эрининг юрагини эҳтиёт қилсин деб унинг қовурғасидан аёлни ясадим.

Яхши эр хотинига бекорга ёмонлик қилмаслигини билиши учун, эри гоҳида унинг кучини синаб кўришини назарда тутиб ҳамда ҳеч иккиланмай ёнида туришга қарор қилиши учун аёлга оқиллик бердим.

Ва охири унга кўз ёш бердим. Қачон ва қарерда тўкиш ҳуқуқини ҳам бердим.

Сен ҳам шуни тушунгин-ки, аёлнинг гўзаллиги унинг соҳида, ороланганида ёки кийимида эмас. Унинг гўзаллиги муҳаббат макон қилган жой — юракка йўл очадиган кўзларида”.

Русчадан
Хуриш **НУРУЛЛАЕВ** таржимаси

МАЪНАВИЯТ ДАРСИ ҲАРБИЙЛИКДА НОТИҚЛИК САНЪАТИ

Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да ҳар ҳафтанинг жума кунлари маънавият дарслари ва маданий ҳордиқ тadbирлари кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Навбатдаги маънавият дарси “Нутқ маданияти ва нотиқлик санъатини ривожлантириш сирлари” мавзуга бағишланди.

Маънавият дарсида журналист ва нотиқ Раҳимбой Жуманиёзов сўз ва унинг сеҳрли олами ҳақида маъруза қилди. Жумладан, нотиқ буюк аждодаларимиз Амир Темур ва Бобурнинг жангдан олдин ўз қўшинига нотиқлик билан қилган хитоблари жанг давомида жуда муҳим ўрин тутиб, улкан ғалабаларга сабаб бўлгани, инсоният тарихидаги энг машҳур нотиқлар Демосфен ва Цицерон қандай қилиб бундай даражага эришганлари ҳусусида тари-



хий маълумотларни келтирди. Шунингдек, ўзининг бой тарихи ва маънавий-маданий меросига эга бўлган ўзбек халқининг мулоқот анъаналари нафақат мазмунан, балки шаклан ҳам ранг-баранглиги ҳақида тўхталиб, қизиқарли минсоалар келтирди.

Тадбир сўнида бошқарма бошлиғи полковник Б.Аденов сўзга чиқиб, нутқ маданияти ва нотиқлик санъатининг

ҳарбийлик касбидаги ўрни ҳақида гапириб, Р.Жуманиёзовга мазмунли маъруза учун миннатдорлик билдирди.

Абдуқодир ОТАБОВЕВ,
МАТБ маданий ҳордиқ
ишлари бўйича катта
офицер — клуб бошлиғи,
катта лейтенант

Сержант С.НАЖИМОВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги “Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божли микродорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 421-сонли қарорига асосан лицензиядан фойдаланишдаги навбатдаги ҳар йиллик давлат божининг тўлов муддатини бузганлиги учун:

“AGES COMMUNICATIONS” хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (радиотелефон, транки) алоқа тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизматлар кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2015 йил 27 июлда берилган АА серияли 0005631 рақамли;

“NEW TELECOM CONSTRUCTION SERVICE” маъсулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2015 йил 7 августда берилган АА серияли 0005647 рақамли;

“ALEX ENGINEERING” маъсулияти чекланган жамиятининг (Тошкент вилояти) кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2017 йил 8 сентябрда берилган АА серияли 0006236 рақамли;

“ROYOV QURILISH” маъсулияти чекланган жамиятининг (Тошкент вилояти) кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига 2016 йил 21 июлда берилган АА серияли 0005880 рақамли;

“IT-EXPERT” маъсулияти чекланган жамиятининг (Навоий вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2016 йил 15 июлда берилган АА серияли 0005877 рақамли;

“SILK ROAD TELECOM” маъсулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2016 йил 26 августда берилган АА серияли 0005897 рақамли;

“SILK ROAD TELECOM” маъсулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасининг (Тошкент ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2016 йил 26 августда берилган АА серияли 0005899 рақамли;

“SILK ROAD TELECOM” маъсулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасининг (Тошкент ш.) халқаро телекоммуникация тармоқларини хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2016 йил 26 августда берилган АА серияли 0005899 рақамли;

“O'ZALOQAKONSALTING” маъсулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) теле-радиоэшиттиришларни тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига 2016 йил 4 октябрда берилган АА серияли 0005996 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2018 йил 22 сентябрдан 10 иш кунига тўхтатилди.

ЖАМОАТ ФОНДИГА ҲОМИЙЛИК ХАЙРИЯЛАРИ

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисоб-рақамига 2018 йил 13 сентябрда АЖ “АЛСКОМ” СК томонидан 8 300,0 минг сўм, 15 сентябрда АТ “Алоқабанк” томонидан 37 500,0 минг сўм Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 340-ф-сонли фармойишига асосан ҳомийлик пули келиб тушди. Ҳомийлик пули “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2018 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

“АЛСКОМ” суғурта компанияси жамоаси компаниянинг активлар ва инвестицияларни бошқариш департаменти менежери Нилуфархон Икромовга онаси **Санобар САЛИМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонлари дуққатиға!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, “Электромагнит мослашув маркази” (“ЭМММ”) ДУК огоҳлантиради: мамлакат ҳудудида рухсатномасиз ва сертифицикатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон воситалари (барча турдаги радиоузатиш воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилади.

Радиоэлектрон воситаларни республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олишни ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича “ЭМММ” ДУК ва унинг вилоятлардаги бўлинмаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Шу билан бирга, “ЭМММ” ДУК турли диапазонлардаги радиоалоқа воситаларига, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиоҳалақитларни бартараф этиш учун жисмоний ва юридик шахслардан буюртмалар қабул қилади.

Радиоҳалақитларни бартараф этиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг “Радиочастота спектри тўғрисида”ги қонуни ҳамда “Радиоалоқа воситаларига, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиоҳалақитларни бартараф этиш учун буюртмани қабул қилиш ва қўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома” асосида амалга оширилади.

БҲҮҮРТМАЛАР БҲҮЙИЧА ИШЛАР ТЕЛЕКҲҮРСАТУВ ВА

РАДИО ҚАБҮЛ ҚИЛИШ ЧСҚУНАСИ ХАМДА АНТЕННА-ФИДЕР ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ СӨЗ ҲОЛАТДА БҲҮЙИШИ ШАРТИ БИЛАН ОЛИБ БҮРИЛАДИ.

Буюртмада куйидагилар кўрсатилиши зарур:

■ Буюртмачи ҳақида маълумот: буюртмачи исм-фамилияси (жисмоний шахс) ёки номи (юридик шахс), тўлиқ почта манзили, телефон: (уй ёки хизмат телефони);

■ Қабул қилиш қурилмаси ва антенна тури (хона ичидаги антеннаси ҳамда бино томига ўрнатилган ва ҳ.к.);

■ Қайси телерадио дастурини қабул қилишда ёки қайси частотада радиоҳалақитлар кузатилмоқда;

■ Радиоҳалақитларнинг содир бўлиш вақти, давомийлиги ва уларнинг эшитилиш ёки кўриниш тасвифи;

■ Ён-атрофдаги хонадонларда телерадио қабул қилгичларга ёки бошқа радиоэлектрон воситаларга ўхшаш радиоҳалақитлар бўлиши эҳтимоли;

■ Радиоҳалақитлар содир бўлиши даврида “ЭМММ” ДУК мутахассисларининг буюртмачи хонадонига ташриф буюришининг қулай вақти.

“ЭМММ” ДУК мутахассислари теле-радио, антенна-фидер қурилмаларини ҳамда бошқа турдаги радиоэлектрон воситаларни таъмирлашмасликлари тўғрисида огоҳлантиради.

Буюртмалар “ЭМММ” ДУК техник радионазорат станцияси томонидан ҳамда вилоятларда куйидаги манзилларда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, 100015, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, тел: 230-41-34, 202-61-78;

Вилоятлардаги ЭМММ маркази ҳақидаги маълумот ва телефон рақамлари:

Андижон вилояти, 170100, Андижон шаҳри, Истиклол кўчаси, 33-уй, тел: 230-64-65;

Бухоро вилояти, 105000, Бухоро шаҳри, Академик И.Муминов кўчаси, 2-уй, тел: 230-64-66;

Жиззах вилояти, 130100, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 46-уй, тел: 230-64-68;

Қашқадарё вилояти, 180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, тел: 230-64-78;

Наманган вилояти, 116008, Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 41-уй, тел: 230-64-72;

Хоразм вилояти, 220100, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-офис тел: 230-64-77;

Қорақалпоғистон Республикаси, 230100, Нукус шаҳри, Ер-назар Алақоз кўчаси, Алоқа уйи (ШАТС) 2-қават, тел: 230-64-75;

Навоий вилояти, 210100, Навоий шаҳри, А.Темур кўчаси, 4-уй, тел: 230-64-69;

Сурхондарё вилояти, 190112, Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, тел: 230-64-79;

Самарқанд вилояти, 140317, Самарқанд қишлоғи, Колбоғ ишлаб чиқариш уюшмаси радио шаҳарчаси, тел: 230-64-80;

Сирдарё вилояти, 120100, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел: 202-64-67;

Фарғона вилояти, 150100, Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиновий кўчаси, 30-уй, тел: 230-64-74.

“ЭМММ” ДУК

ҲАЁТ БУЮК МУАЛЛИМ

Ўзбекистон тантилиги

Мен Ўзбекистон радиоси, “Маъриф ва тарбия” Бош муҳарририятида “Келажак тонги” эшиттиришини тайёрлар эдим. Раҳбаримиз ёзувчи Эркин Маликовнинг топшириғи билан Бухоро вилоятига хизмат сафарига юборилдим.

Куни билан боғчаю мактабларда бўлиб, болажонларнинг овозларини эзиб олдим. Кейин озгина шаҳар айланган бўлдим. Шундан сўнг Бухоро шаҳридан Жондор туманига кетадиган томонга бориб, бекатда автобус кута бошладим. Соат кечки еттилар бўлиб қолган. Ярим соатча автобус пойладим, келмади. Қоронғу туша бошлади. Шу пайт бир отахон қўйларини ҳайдаб ўтиб кетаётди, менга тикилиб қолди ва: “Болам, мусофирмисиз, меҳмонмисиз?” деб сўради. Мен “Ҳа, Жондорга бормоқчи эдим, шунга автобус кутяпман”, — дея уйига таклиф қилди. “Кеч тушибди, бунақа вақтда автобуслар қатнамайди. Юринг бизнинг уйга, бир суҳбат курамиз, эрталаб тонгда биринчи автобус қатнаши билан яна бекатга олиб келаман”, — дея уйига таклиф қилди. Уйларига борсак ош дамлашган экан. Катта лаганга сузиб келишди. Бир этак болаларнинг чуғур-чуғури билан ошни мазза қилиб едик. Отахон билан

анчагача суҳбат қурдик. Сўнг менга солиб қўйишган иссиққина жойга кириб, бир зумда қотиб ухлаб қолдим.

Эрталаб тонгда уйғотишди ва отахон иккимиз тандирдан узилган иссиққина нон ва қаймоқ билан нонушта қилдик. Шундан сўнг ёнимга иккита иссиқ нондан солиб қўйиб, бекатга кузатиб қўйишди. Мана сизга ўзбекистон тантилиги! Мен бунга бир умр унутмайман!

Ҳар нарсани пул билан ўлчамайлик

Хизмат сафари билан Туркиянинг Истанбул шаҳрига бордим. Иқтисодиёт бўйича халқаро конференция эди. Ҳар бир хорижлик журналистларга, жумладан, менга ҳам таржимон бириктирилди. Таржимонимиз асли Ўзбекистондан, аниқроғи, Қорақалпоғистондан бўлиб, Истанбулда икки йилдан бери яшаркан. Шу вақт мобайнида инглиз ва турк тилларини мукамал ўрганиб олибди. Хуллас, менга ватандошим Мунира бириктирилди.

Биз конференция бошланишидан икки кун аввал етиб борган эдик. Шунинг учун ҳам Мунирага шаҳар айланишни таклиф қилдим. Бирга йўлга отландик. Кун бўйи шаҳар айландик ва шомда меҳмонхонага қайтиб келдик. Мен Мунира билан хайрлашиб, энди хонам-

га кириб кетаётсам у: “Кечирасиз, ака, менга ортиқча икки соат учун пул тўлашингиз керак”, — деди. Ҳайрон бўлиб қолдим: “Қанақа пул? Қанақа ортиқча икки соат?” десам, у: “Мени сизга соат 9.00дан 17.00гача бириктиришган. Шу вақт учун ташкилотчилар менга пул тўлашади. Сиз билан шаҳардан эса соат 19.00да қайтдик. Яъни, икки соат ортиқча сарфладим. Ана шу соатлар учун менга пул тўлашингиз керак”, — деди. Менда икки йил ичида ҳар нарсани пул билан ўлчаётгани, ўзлигини йўқотган қизга ачинаш ҳисси пайдо бўлди...

Мени тушунмаган ҳинд

UzReport ахборот агентлигида ишлардим. Хизмат сафари билан Ҳиндистонга юборишди. Нью-Дехли шаҳридаги катта кўргазмалар залида қўл меҳнати бўйича халқаро кўргазма ташкил этилганлиги. Мен 3-4 кун шу кўргазмада юриб, қўлда ясалган санъат асарларини суратга туширдим, уларнинг муаллифларидан интервьюлар олдим. Хуллас, режадаги ишларимни бажариб бўлдим. Иштиримда яна икки куним бор эди. Шунда мен Тожмаҳални кўриб келишга аҳд қилдим.

Шундай қилиб, сафаримнинг бешинчи кунини афсонавий Тожмаҳал сафарига отландим.

Агра шаҳрида жойлашган Тожмаҳални кўриш, унинг фонидан суратга тушиш орзуим эди: бир-икки маротаба селфи услубида суратга тушишим, лекин тўғриси ўхшамади. Шунда йўлакларни тозалаб юрган бир ҳинд келиб, сени суратга туширайми, деб қолди. Хурсанд бўлиб, қўлимдаги фотоаппаратни унга бердим. Турли фонларда 6-7 маротаба суратга тушишим ва ҳалиги ҳинд йигитига миннатдорлик билдирдим. Шунда қизик воқеа бўлди. У менинг фотоаппаратимни қайтариб бериш ўрнига, суратга олгани учун пул сўрай бошлади. Ҳанг-у манг бўлиб қолдим. “Нима учун пул сўраясан?”, — десам, “Сени Тожмаҳал фонидан суратга олдимку, меҳнат қилдим”, — дея жавоб берди. Унга: “Ҳали ўз фотоаппаратимда суратга олгани учун пул сўраясанми? Ўзбекистонга боргани, мен сени турли тарихий обидалар олдида бепул расмга оламан. Нафақат мен, балки иситилган одамдан сўрасанг, бизнинг тарихимизга қизиққанинг учун хурсанд бўлиб суратга олади. Сендан пул сўраш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайди”, — дедим. У: “Нега энди? Ахир, меҳнат қилса пул олиши керак-ку? Нега мени суратга олишга пул сўрашмайди?” деб ҳайрон бўлди. Тўғриси, ҳинд мени тушунмади...

Бехўд ҲАЙИТ

МАЪРИФАТ ФЕСТИВАЛИ

САОДАТ ЭШИКЛАРИ КАЛИТИ

Тошкент шаҳар “Bilim” ахборот-кутубхона марказида “Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажиги!” шиори остида “Болалар китоби” фестивали ва китоб кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шoirлар, Тошкент педагогика коллежи ҳамда 182 ва 184-мактаб ўқувчилари, марказнинг фаол китобхонлари иштирок этди.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган ушбу фестивал доирасида АКМ кириш қисми ва фойесида маҳаллий китоб савдо ташкилотлари ва марказнинг “Болалар китоби” мавзусидаги болалар адабиётлари кўргазмаси ташкил этилди. Шу кунги йиғилганлар “Китоб — инсоннинг қалб гавҳари, тафаккур хазинасидур” мавзусидаги адабиёт-

лар кўргазмасининг тақдироти билан танишиб, шoir ва ёзувчилар билан учрашдилар. “Инсон тафаккури такомиллашувида китобларнинг ўрни бекиёсдир, китоб инсонни доимо эзгуликка, қомилликка етаклайди ва менинг энг яқин дўстим китоб”, — дея таъкидлади учрашувда сўзга чиққан “Тонг юлдузи” газетаси бўлим мудир, болажонларнинг сеvimли шoirи Ахтамқули. Ёзувчи Акбар Мирзо эса ўз ҳаётида китобнинг ўрни, ижодий фаолиятидаги яратган асарлари ҳақида гапириб, йиғилганларни китоб билан дўст бўлишга чорлади ҳамда болажонларга ўз ижод намуналаридан совға қилди.

Педагогика коллежи икtidорли ёшларининг “Менинг сеvimли

китобим”, “Энг яхши кўрган шеърим” мавзусидаги бадий чиқишлари, мактаб ўқувчилари тайёрлаган “Ким билимдон?”, “Болалар ёзувчи ва шoirларини биласизми?” каби викторина ва китобхонлик савол-жавоблари, Учтепа тумани маданият ва аҳоли дам олиш маскани ижодкорлари куй-қўшиқлари билан фестивал янада қизиқарли бўлди.

Китоб ўқиш инсон учун муваффақият ва саодат эшикларини очувчи калитдир, юртимиз келажиги бўлган ёшларнинг юксак салоҳиятли бўлиб камол топишида фаол иштирок этиш ҳар бир маънавиятчи инсоннинг бурчидир.

Ҳафиза КАРИМОВА,
“Bilim” ахборот-кутубхона маркази директори



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини
вақтинча бажарувчи:
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат ҚОДИРОВ,
Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло
ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.
Наширимиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета
ҳафтанинг
жума кунин
чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-943 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 2914 нуска.

МАНЗИЛИНИНГ:

100105, Тошкент,
Толлимаржон кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилган вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда Бухорода

Жиззахда

Наманганда

Навоийда

Нукусда

Самарқандда

Термизда

Тошкентда

Урганчада

Фарғонада

Қаршида

226-47-80 (0365)600-87-21

(94) 199-95-64

(91) 353-71-25

225-91-10

554-35-45

(91)557-84-44

(91)235-88-68

291-43-28

(97) 211-65-05

244-18-05

(93)931-08-99